БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 99 (17.092). ● 30 апрель 1978 йил, якшанба ● Баҳоси 2 тийин.

Республикамиз меҳнаткашлари Биринчи Майни катта ютуқлар билан кутиб олмоқдалар.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун курашингиз! Энг юксак меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатига қунт билан эришингиз!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН)

БУНЁДКОР, ТАШАББУСКОР

Ишчи ташаббуси! У барча коллективларда астойдил қадрланади, эъзозланади. Умумий ишимизга наф келтирадиган ташаббуслар ҳамиша цехдошлар, корхонадошлар ва маъмурият томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Илғорлар тажрибаси, новаторлар намунаси бизнинг замонамизда кенг ёйилиб, издошлари сафи ортиб, тезда кўпчиликнинг умумий мулкига айланади. СССР янги Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан вужудга келган юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги, ишчилар синфи вакиллари ташаббускорлиги баҳор байрами — 1 Май шарафига мусобақа самараларини баралла намойиш этмоқда.

Ўзи ишлаётган корхонанинг шон-шуҳрати учун қайғуриш, ишлаб чиқариш-техника кўрсаткичларини мунтазам яхшилаб боришга кўпроқ ҳисса қўшиш, иқтисодий тараққиётимиз учун бутун куч ва маҳоратни ишга солиш ҳар бир ишчига хос фазилат бўлиб қолди. «Ўз корхонаси ишларига омилкорлик билан қараш, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев яқинда Иркутскда сўзлаган нутқида, — ижодий ташаббускорлик, умумхалқ мулкини кўпайтириш иштиёқи ишчилар синфига хос хусусиятдир. Ана шуларнинг ҳаммаси социалистик мусобақада, ижодий ташаббусларда ўзининг конкрет ифодасини топмоқда».

Ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли адо этиш учун кураш мусобақасида ишчи ташаббуслари катта самара келтирмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби республикамиз меҳнаткашларини зардбор йил вазифаларини ҳал қилишда янги марраларга даъват этмоқда. Ишчилар ва мутахассислар давлат планларинигина, ўз нормаларинигина эмас, балки юксак социалистик мажбуриятларни ҳам зиёда бажариш учун бутун куч-имкониятларини ишга солмоқдалар, янги резервларни аниқлаб, улардан самарали фойдаланиш тадбирларини кўрмоқдалар. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, машина-ускуналар қувватидан унумлироқ фойдаланиш, тежамкорлик учун кураш, маҳсулот сифатини яхшилаб бориш учун кураш ҳаракатида ишчи ташаббуслари ажойиб натижалар беряпти.

Бизда энг яхши тажрибаларни кенг ёйиш, такомиллаштириш анъана бўлиб қолган. Ўтган юбилей йилида Ўзбекистон саноати ва транспорти илғорларидан 14 нафарининг ташаббуси меҳнат коллективларида кўплаб издошлари орттирди. Шуниси диққатга сазоворки, уларнинг кўпчилиги меҳнат унумдорлигини оширишда катта тажриба тўпладилар. Бир беш йилликда ўн йиллик ҳажмида иш бажариш мусобақаси қатнашчилари сафи бугунги кунда ҳам кенгайиб бормоқда. Улуғ Октябрининг шонли 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақада республикамизнинг ўн мингдаб ишчилари ўз сўзларининг устидан чиқиб, уч-тўрт йиллик шахсий нормаларини адо этишга муяссар бўлдилар, 15 нафар илғор монтажчи ва қурувчи бошлаган ватанпарварлик ҳаракати издошлари сафи ҳам кенгайиб боряпти. Бу мусобақа беш йилликнинг зардбор объектлари қурилишларини тезлаштиришда, ишга туширилаётган иншоотларни муддатидан илгари фойдаланишга топширишда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган бу ташаббуслар республикамиз экономикасининг тараққиётига катта таъсир кўрсатаётганлигига ошд жуда кўп мисоллар бор.

Янгийўлликларнинг қолоқларсиз, юксак суръат билан ишлаш ташаббуси, кам ишчи кучи билан кўп қурилишмонтаж ишларини бажаришга даъват этувчи Свердлов области бинокорларининг ҳаракати республикамиз корхоналарида, қурилиш майдонларида ва транспорт тармоқларида авж олмоқда. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари Назрилла Маннопов, бухоролик бинокор Истам Исматов, самарқандлик чевар попоччи Салима Луқмонова, Андижондаги «Электроаппарат» заводининг пресловчиси Кимсанбой Тошматов, тошкентлик злобничи қурувчилар бригадаси бошлиғи Мухтор Ҳабибуллаев каби ўнлаб ташаббускор ишчилар меҳнатда ўз намуналари билан кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Қаердаки партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишчи ташаббусларига катта эътибор қилиб, иқтисодий-техника кўрсаткичларининг яхшиланишига яқиндан ёрдам бераётган, ташаббускорларни қўллаб-қувватлаётган, янгилиққа йўл очиб бераётган бўлса, ўша коллективларда меҳнат унумдорлиги тобора ортмоқда, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўтарилмоқда, маҳсулот сифати муттасил яхшиланмоқда.

Бироқ айрим корхоналар, қурилишлар, транспорт тармоқларида юзага келган янгиликларни кенг ёйиш бугунги талаблар даражасида эмас, Жиззах мотор ремонт, Олмалиқ рўзғор химияси заводлари, Чиноз норуда материаллар карьерида илғор тажрибаларни, энг манфаатли ташаббусларни оммалаштиришга тегишлича эътибор қилинмаяпти.

Область, шаҳар, район партия комитетлари жойларда СССР Конституцияси бир йиллиги кунигача беш йиллик уч йили топширғиғни бажариш учун бошланган ва зўр тўлқин билан авж олаётган социалистик мусобақа самарадорлигини янада ошириш учун зарур чора-тадбирларни кўришлари керак. Корхоналар, қурилишлар ва транспорт тармоқларининг партия ташкилотлари ташаббускорлар меҳнатини рағбатлантиришлари, издошлар сафини кенгайтиришлари, мусобақа давомида туғилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашлари лозим.

Мусобақа давомида меҳнат кишисининг бутун истеъдоди намоён бўлади. У техниканн такомиллаштириб, мавжуд кормаларни ортда қолдириб кетади. Бир ўрнига икки, ҳатто ундан ҳам кўпроқ дастгоҳларни бошқаришни эплайди. Бунинг учун ҳар бир ишчи ўз соҳасининг билимдони, фан-техника революцияси даврининг талабларига жавоб берадиган даражада ижодкор ва тажрибали ортирган бўлиши, меҳнатни ташкил этишда илмий хулосаларга асосланиши лозим. Ана шундай ишчи ибрат кўрсатиши, ташаббускор бўлиши мумкин. Ҳар бир коллектив ўз бағрида бундай ишчиларни тарбиялаётган, партия ва ҳукумат уларга кундалик ғамхўрлик кўрсатаётган экан, бу замонамиз хусусияти, ишчини янги марраларни эгаллашга даъват этаётган қудратли омилдир.

Ҳар бир ишчида олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг тўла бажарилишини таъминлаш учун кураш ҳиссини оширишга, яхши ташаббусларнинг умумхалқ мулки бўлиб қолишига, катта самаралар келтиришига эришайлик. Бу эса 1977 йил, умуман беш йиллик учун олинган мажбуриятларнинг муваффақиятли адо этилишини таъминлашга, КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этишга, мамлакат экономикасини юксалтиришга, Ватанимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

КОРХОНА БАЙРОҚДОРИ

ИЛҒОР ИШЧИ ФАБРИ ИНОНОВ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҒИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРДИ

Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиқчиси Фабри Иноновнинг улкан корхонада биринчи бўлиб ўзининг шахсий беш йиллик планини бажарди. Бу юксак маррани бирлашмада биринчи бўлиб эгаллагани туфайли уни ҳамкасблари қизғин табрикладилар.

Моҳир бичиқчи ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳасида ҳам катта ютуққа эришди. Унинг рационализатор лик таклифи корхонада муваффақиятли жорий этилди. Натижада ҳар йили 45 квадрат метр газламани тежаб қолиш имконияти туғилди.

Бу муваффақиятларга ёш ишчи осонликча эришгани йўқ. Бинобарин у ўз касбини ғоятда пухта эгаллаб олган. Бундан ташқари бичиқчиликдан бошқа яна уч турдош касбни эгаллашга эришди. Шунинг учун ҳам у кундалик топширикни 200-210 процентга етказиб бажаришга эришмоқда. У бажарган ишларнинг ҳаммаси аъло сифат билан қабул қилиб олинмоқда.

Фабри Иноновнинг жонажон корхонасида бир неча йилдан бери баракали меҳнат қилмоқда. Яхши ишчи сифатида танилган Фабри жамоат ишларида ҳам актив иштирок этмоқда. У тажрибали мураббий сифатида ҳозининг ўзидаёқ икки шогирдини мустақил равишда ишлашга ўтказди. Айни вақтда яна икки шогирдига бичиқчилик маҳоратини ўргатаётир.

Цех коммунистлари яқинда уни партия ташкилоти секретарлигига сайладилар. Партия етакчиси, ишлаб чиқариш зардбори Фабри Иноновнинг СССР Конституциясининг бир йиллигини катта ютуқлар билан нишонлашга аҳд қилди.

Илғор ишчидан ўрнак олган корхона ишчилари энг юксак меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатига қунт билан амал қилмоқдалар.

Фарғона тўқимачилик комбинати ишчиси Нора Мамажонова ёш бўлишига қарамай коллектив орасида ҳурмат-эътибор қозонган. У кунлик ишлаб чиқариш нормасини 25-30 процент ошириб бажариш билан бирга жамоат ишларида фаол қатнашади. Корхона ёшлари унга катта ишонч билдиришди: Н. Мамажонова ВЛКСМ XVIII съездида қатнашди. Юқоридаги суратда: Нора Мамажонова (ўнгдан иккинчи) дугоналари орасида.

Г. Бойко фотоси (ЎзТАГ).

Жиззах районидаги Навоий номли колхоз миришкорлари чигитни тез ва сифатли экиб, бехато ундириб олишди. Далаларда бўлиқ ниҳоллар пайдо бўлди. Хўжалик меҳнаткашлари она-Ватанга бу йил 9 минг тонна пахта етказиб беришади. Ўлкан хирмонга шу кунлардан бошлаб пахта замин яратилаётир. Шу кунларда колхоз механизаторлари ғўзанинг дастлабки парваришини жадал давом эттираётирлар. Пастдаги суратда: колхоз даласида ғўза қатор ораларига дастлабки ишлов бериш пайти.

А. Тўраев фотоси.



МЎЛ-КЎЛ СУВ ИСТИҚБОЛЛАРИ

КПСС XXV съезди қарорлари асосида Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизиш проблемаларига бағишланган илмий конференция Тошкентда ўз ишини тамомлади. Конференцияда Ўрта Осиёдаги қардош республикалар илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари, министрликлар ва идораларнинг, мамлакатдаги тегишли марказий муассасаларнинг вакиллари бўлган олимлар ва мутахассислардан қариб уч юз киши иштирок этди.

Конференцияда қилинган доклад ва ахборотларда Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизиш проблемаси юзасидан илмий-тадқиқотларнинг йўналишлари, лойиҳанинг принципиал жиҳатлари, бу сувларни оқизишнинг Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ўстириш ҳамда шу республикаларни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун аҳамияти, бу ердаги мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари кўриб чиқилди.

СССР Фанлар академияси сув проблемалари институтининг директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Г. В. Воропаев ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Орол ҳавзасига оқизиш билан боғлиқ проблемалар устида ҳозир юздан ортиқ илмий ва лойиҳалаш ташкилоти иш олиб бормоқда. Бу масалага шу қадар катта эътибор берилаётганлиги қонуний бир қолдир, чунки бу проблемаларни ҳаётнинг ўзи ўртага қўйди. Ўрта Осиё республикалари интенсив ривожланмоқда, бу эса сув истеъмол қилишнинг ошиб бораётганлиги билан шубҳасиз боғлиқдир. Аср охирига бориб сув истеъмол қилиш тахминан икки баравар кўпайажаги ҳисоблаб чиқилган. Айни маҳалда Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистоннинг ўз сув ресурслари чеклангандир. Сув оқимини территориал қайта тақсимлаш бунинг табиий йўлидир.

Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизиш технокавий-иқтисодий жиҳатдан асосланишнинг энг муҳим қоидалари ҳозирги кунда ишлаб чиқилган, деди олим. Бир неча вариантлар ўрганилди. Натижада, Обь ва Иртиш дарёларининг сувини Орол ҳавзасига Тўрғай дашти орқали Қозоғистонга оқизишдан иборат. «Тўрғай» варианти деб аталган бажариш муддатлари ва иш қиймати жиҳатидан энг қулай бўлган вариант бундан буён ишлаб чиқиш учун танланди ва қабул қилинди. Бўлғуси лойиҳанинг асосий принципиал қоидалари белгиланди. Олимлар ана шундай лойиҳанинг ҳар ҳолда унинг биринчи навбати лойиҳасининг амалга оширилиши илгари хавотирланиш ганидек, муз океанининг режимига, Сибирь дарёларининг суви оқизиладиган зона иқлимининг ўзгаришига бирон-бир жиддий таъсир қилмаяжагини аниқладилар. Географик, биологик, социал-иқтисодий соҳада ҳали кўпгина масалаларни ҳал этиш лозим. Ҳозирги вақтдаги вазифа — «Тўрғай» варианти асосида Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга ва Қозоғистонга оқизиш юзасидан техника-иқтисодий жиҳатдан асослашни якин йиллар ичида батамом тугаллаб, келгуси беш йилликда каналда тайёргарлик ишларини бошлаб юбориш юзасидан комплекс программа бўйича тадқиқот ишлари, барча белгиланган ечимларнинг интенсивлигини оширишдан иборатдир. Биз бу ҳақда конференцияда ҳам гапириб ўтдик.

Конференция Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизиш проблемалари юзасидан олиб борилаётган тадқиқотларнинг самарадорлигини оширишга ва қидирув ишларни жадаллаштиришга қаратилган тавсиялар қабул қилди.

(ЎзТАГ).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги «Узглавстройдревпром» коллективи беш йиллик учинчи йили планларини муваффақиятли адо этиш учун мусобақалашиб, товар маҳсулот ҳажми ва маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1978 йилнинг тўрт ойи мўқобил плани ҳамда социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари 26 апрелда бажарди. 1977 йилнинг шу давридагига қараганда товар маҳсулоти ишлаб чиқариш 21 процент, маҳсулот реализация қилиш 23 процент кўпайди.

Давлат Сифат белгиси кўйилган буюмлар ишлаб чиқариш топшириғи муваффақиятли бажарилди.

(ЎзТАГ).

БОШ ЙЎНАЛИШДА

ҚАРШИ, 29 апрель. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Қашқадарё область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғойибовнинг КПСС XXV съезди қарорлари асосида чорвачиликни янада ривожлантириш соҳасида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги доклади муҳокама қилинди.

Докладчи ва музокаларда сўзга чиққан нотиқлар шуни қайд этдиларки, областда чорвачиликни ривожлантириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Беш йиллик бошидан буён 17 та йирик сутчилик комплекси, паррандачилик фабрикаси ва паррандачилик совхози ишга туширилди. Қорамоллар маҳсулдорлиги ошди, сигирлар кўпайди.

Лекин ҳали область чорвадорларининг қиладиган ишлари кўп. Нотиқлар таъкидлаб ўтганидек, ўртоқ Л. И. Брежнев Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига қилган сафари вақтидаги учрашув ва суҳбатлар чоғида берган йўл-йўриқлар ва тавсиялардан амалий хулосалар чиқариб олиш — ҳозир партия ташкилотлари бажариши зарур бўлган энг асосий вазифадир. Чорвачиликни янада ихтисослаштириш ва концентрациялаш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервлари эканлиги пленумда қайд этиб ўтилди.

Пленум қатнашчилари область партия ташкилотининг капитал қурилиш планлари ва социалистик мажбуриятларни бажариш ҳамда ишга тушириладиган объектларни беш йиллик учинчи йилида фойдаланишга топширишни таъминлаш соҳасидаги вазифаларини ҳам муҳокама қилдилар. Сўзга чиққан ўртоқлар тармоқ меҳнаткашлари ишининг ижобий натижаларини қайд этиш билан бирга ҳали мавжуд камчиликларга, уларни бартараф этиш йўлларига эътиборни қаратдилар.

Советобод, Денов, Хива районлари партия комитетларининг бўлиб ўтган пленумлари чорвачилик масалаларини муҳокама этишга бағишланди. Пленумларда чорва қишлови, ферма ва комплекслар меҳнаткашларининг шу йил дастлабки ойларидаги иш якунлари чиқарилди. Бунда шу нарса қайд этилдики, хўжаликларда беш йиллик учинчи йили план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа кенг кўламда авж олдириб юборилди.

Нотиқлар диққат-эътиборни ҳал этилмаган масалаларга қаратдилар, эришилган натижаларни келгуси кун вазифаларини ҳисобга олган ҳолда анализ қилдилар, ҳали мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган амалий таклифлар киритдилар.

Советобод район партия комитетининг пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов нутқ сўзлади.

Пленумларнинг қатнашчилари чорвачиликни янада юксалтиришга қаратилган тадбирларни маъқулладилар.

(ЎзТАГ).

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

28 апрель куни Тошкентда Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон Фанлар академиялари президентлари кенгашининг мажлиси бўлди. Бу мажлис Узбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов раислигида ўтди.

Мажлисда Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ССР Фанлар академияларининг президентлари — СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари К. К. Каракеев, М. С. Осимов, А. Г. Бобоев, Қозоғистон Фанлар академиясининг вице-президенти Е. В. Гвоздев, шу академиялар президиумларининг аъзолари, илмий-тадқиқот институтларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Кенгаш мажлисида сейсмология ва зилзилага бардошлик проблемалари, ғўза вилтига қарши кураш, дашт ва тоғлик территорияларни ўрганиш ва ўзлаштириш, шунингдек Урта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг демографияси ва меҳнат ресурслари проблемалари юзасидан олиб борилаётган тадқиқотларнинг аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилинди. Ана шу тадқиқотларни ривожлантиришнинг координацион планлари ва тавсиялари тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

ЯГАНАЛАШ АВЖИДА

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Ленин йўли районидаги Қосим Раҳимов номли совхоз далаларида чигит қийғос униб чиқди. Яшил майсаларни парвариш қилиш бошланди. Хўжаликнинг Ортиқ Чорнев бошлиқ бригадасида ғўзани яганалаш қизғин боряпти. Ҳозиргача 15 гектар майдондаги ғўзалар яганаланди. Бу ишда Ойнахол Чориева, Ҳалима Номозова, Ойимдона Тулошева сингари ғайратли ишчилар фаоллик кўрсатмоқдалар. Бу бригада аъзолари мавжуд 45 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 27 центнер ўрнига 40 центнердан ингичка толали «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилишган.

Н. ХУДОЁРОВ.

ИПАК ҚУРТИ ПАРВАРИШИ ҚИЗҒИН

ТЕРМИЗ [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. Термиз, Жарқўрғон, Шеробод, Ленин йўли ва Гагарин районлари пиллакорлари ипак қуртини сифатли парвариш қилмоқдалар. Термиз районидаги Жданов номли колхознинг пиллакорлари айниқса бу соҳада ибрат кўрсатишяпти. Ўтган йили планни 118 процент қилиб бажарган Т. Раҳимов бошлиқ бригада аъзолари зардбор йилда ҳар қути қурт уруғидан 80 килограммдан пилла етиштиришга аҳд қилишди. Ўнлаб илғор бригадалар эса ҳар қути қурт уруғидан 110-120 килограммдан пилла териб топшириш мажбуриятини олдилар.

А. ХАЛИЛОВ.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республиканинг даволаш муассасаларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун Тошкент шаҳридаги 6-туғруқхонанинг бош врачи Евгения Николаевна **Осиповани** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада социалистик қонунчиликни ва жамоат ҳуқуқ-тартиботини мустаҳкамлаш соҳасидаги хизматлари учун Узбекистон Компартияси Марказий Комитети маъмурий органлар бўлими мудирининг ўринбосари Неъматжон **Иброҳимова**га «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика прокуратура органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш соҳасидаги хизматлари учун Сирдарё область прокурори Вали Кабирович **Қосимова**га «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Узбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг умумий бўлим мудири Яков Васильевич **Ганихмига** «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган меҳнат ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада нашриёт ишини ривожлантиришда кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига 70 йил тўлиши муносабати билан Бутуниттифоқ «Внешторгиздат» бирлашмаси Урта Осиё бўлимининг директори Насрулло Раҳимович **Охундийни** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ТАСС АХБОРОТИ

Илгари хабар қилинганидек, шу йил 20 апрелда Жанубий Корея авиакомпаниясининг «Боинг-707» самолёти СССРнинг осмон чегарасини бузган эди.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа кучларининг ҳаракати натижасида самолёт Карелия АССР территориясининг бориш қийин бўлган жойига қўнди. Пассажирларнинг ҳаммаси ва экипаж яқин атрофдаги аҳоли пунктига эвакуация қилинди ва 23 апрель куни Мурманск аэропортида АҚШнинг Ленинграддаги бош консулхонаси ҳамда Пан-Америкэн авиакомпанияси вакилларига топширилди. Улар шу куни Совет Иттифоқи тупроғидан чиқиб кетдилар, кема командири Ким Чанг Кью ва штурман Ли Чин Син бундан мустаснодир. Улар ўтказилаётган текшириш муносабати билан ушлаб қолиндилар.

Текшириш давомида шу нарса аниқландики, Жанубий Корея самолёти билан бўлган можаро экипажнинг халқаро учиш қоидаларини бажармаганлиги ҳамда ҳаво ҳужумидан мудофаа совет қирувчи самолётларининг аэродромга қўниш учун ўз ортларидан бориш тўғрисидаги талабларига бўйсунмаганлиги натижасида содир бўлган.

Экипаж командири ва штурман СССР осмон бўшлиғини ва чегарасини, шунингдек халқаро учиш қоидаларини бузганликда ўз айбларига тўла иқрор бўлдилар. Улар совет самолётларининг командаларини тушунганликларини, лекин бу командаларга бўйсунмаганликларини тасдиқладилар. Кема командири ва штурман совет қонуни олдида ўз айбига иқрор бўлиб, афв этиш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумига ёзма равишда илтимос билан мурожаат қилдилар.

СССР Олий Совети Президиуми Ким Чанг Кью ва Ли Чин Син ўз айбига иқрор бўлганликлари ва тавба қилганликларини эътиборга олиб, Ким Чанг Кью билан Ли Чин Синни жиноий жавобгарликка тортмаслик ва уларни Совет Иттифоқи тупроғидан чиқариб юбориш билан чекланиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Л. И. БРЕЖНЕВ

ТИКЛАНИШ

Бир оз илгарилаб кетдим чоғи: бу тантаналаргача етиб келиш керак эди ҳали. Ўткир танқидий варақалар ҳам чиқарилиб, қурилишни чўзаётганларнинг исми-шарифлари кўрсатиларди. Унча аҳамиятли туюлмаса ҳам, шундай мисолни келтирмоқчиман. Кимдир йўлда слябни қолдириб кетибди. У ишлашга ҳалол берарди. Эртасига эрталаб мана шу слябда бундай ёзув пайдо бўлди: «Пролёт мастери! Слябни олиб кетинг —ишлашга тўсқинлик қиляпти. 5 соатлик муддат берамиз». Остига имзо қўйилган. Нима деб ўйлайсиз?— Слябни олиб қўйиб, жойни тозалаб қўйишибди! Айтиш керакки, бу нарса катта таъсир кўрсатганди.

Бошқа хилма-хил кўргазмали агитация ҳам яхши «ишлади». Майдондан ўтиб боракан-сан, ҳаммаёқда рақамлар, саналарга кўзинг тушади: слябингни фалон кунда ишга тушиramиз, совуқ прокатни пистон числода ишга тушиramиз. Бунга 30 кун, 15..., 10..., 5... кун қолди. Қурилишдаги ишларни бутун шаҳар бнларди, митинг ларда бутун аҳолини таклиф қилардик. Қурувчилар оиналари билан келишарди.

— Қанақаси бўлди?— деб тиқилинч қилиб қоларди кимнинидир ёшгина хотини. — Бошқаларни мақташяпти, сенинг ҳақингда бўлса ҳеч нима дейишмаяпти-ку?

Еки болалар бундай деб қоларди:

— Дада, ҳамма Пётр амакига қарсак чаладн-ю, сизга индашмайди?

Мана шундай иш чиндан ҳам жонли, оммавий, самарадорлиги жуда катта эди. Фақат моддий рағбатлантириш кишиларга керак деб ўйлаш катта хато. Йўқ, совет кишисига жуда кўп нарса — катта ишга ўзининг даҳлдорлигини англаш, ўзини меҳнатда кўрсатишга интилиш, ўз маҳоратидан фахрланиш, ўртоқларининг ҳурмат-эътиборини қозониш, иззат-икромига сазовор бўлиш ҳам керак.

Лекин мана шу ахлоқий эҳтиёжларни тарбиялаш керак, албатта. Бу борада ҳамма ерда ҳозиру-нозир газетачилар бизга жуда яхши ёрдам беришарди. Инсоннинг ёркин тақдири, кимнингдир рекорди, аллақайси участкадаги жанговар ишлар — буларнинг ҳаммаси газеталарда оператив ёритиларди. Журналист қурилишнинг тўла ҳуқуқли иштирокчиси эди.

Эсимда, кўчма редакцияларнинг ходимларига завод ва қурилишларнинг раҳбарлари билан ишга туширилиадган объектларни текшираётганимизда ҳар доим биз билан албатта бирга бўлишларини маслаҳат бердим. Бундай пайтларда ҳамиша қизиқарли масалалар туғилиб қолар, фойдали фикр олишилар, қурилишнинг янги-янги қаҳрамонлари юзага чиқарди. Матбуотдан биз мақтовнигина эмас, ўткир танқидни ҳам кутардик.

Айтмоқчи, биз қурувчиларни, монтажчиларни, фойдаланувчиларни турли идораларга ҳадеб чақиравермасликка ҳаракат қилардик. «Бутун ишни объектларга кўчиринг,— дердим кўпинча ўртоқларимга. — Агар ишингиз бўлса, қурилиш майдонига боринг». Обкомнинг биринчи секретари ўзи ҳам худди шундай қилаётганини кўрганларидан кейин тез орада бу нарса район, шаҳар ва область партия комитетлари барча секретарларининг, бўлим мудирлари, инструкторларининг ҳам одатига айланиб қолди. Бу нарса уларнинг ўзлари учун ҳам фойдали эди.

6

Ишлар жадал суръатлар билан олиб борилди, қурилиш барча имкониятларнинг сафарбар этилишини, меҳнатнинг новаторлик методларини, илғор техникавий ечимларни, даҳлдлик ва ақл-идрокни тақозо этарди. Ҳар қандай қийинчилик ва етишмовчиликлар тез-тез янги ва ажойиб йолларни келтириб чиқариши мумкинлигини тушундим. Хотирамда қолган кўпгина мисоллардан иккитасини келтирмоқчиман.

Биз дастлабки тиклаётган 3-домна урушдан кейин портламай қолган ягона домна эди. Бироқ у чўкиб, худди Пизан минораси каби бир томонга қийшайиб қолган, фақат ичида қолган шихтагина бутунлай қулаб тушишидан уни сақлаб турарди. Улкан печни бўлакларга ажратиб олиб, кейин қайтадан тиклашдан бошқа илож йўқдек эди. Лекин тажрибали монтажчи М. И. Чудан бошлиқ «Стальконструкция» бошқармасининг ходимлари бошқача йўл тутишди. Домнанинг қаддини тиклашга қарор қилинди. Бу нарса ҳанузгача ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. Бу лойиҳани ишлаб чиққан бошқарма бош инженери А. В. Шегал менга шундай деди:

— Вазият қурилиш санъатининг маълум усулларини «даволаш хирургияси» элементлари билан тўлдиришимизни тақозо қиляпти.

Бир кун ажойиб тонг палласида монтажчилар кўндалан ётган тўсиқни (қотиб қолган чўянни) олиб ташладилар. Домна остига ҳар бири юз тоннадан икки юз тоннагача келадиган тўқизта гидравлик домкрат келтириб, печ қобиғини кесиб, уни кўтара бошлашди. Чор атрофдаги юзлаб қурувчилар ҳаяжонланиб кузатишарди. Уларнинг кўплари қориб чарчаганликларига, уйқуга тўймаганликларига қарамай, сменадан кейин қолиб бу иш нима билан тугашини сабрсизлик билан кутишарди. Мен ҳам қолдим. Ўша куни бошқа ишларим ҳам бор эди, лекин ҳамма қатори кетишга ботинолмадим. Баҳайбат печ ҳиёл чайқалгандек бўлиб, секин-аста қаддини тиклай бошлади. Кўтариш ишлари беш соат давом этди. Унгача ҳеч ким майдончани тарк этмади. Мен ҳам охиригача, пайдо бўлган ёриқни икки томонидан пўлат қистирма билан ямаб бўлишларигача қараб турдим. Иш битди. Битганда ҳам икки ой ўрнига беш ярим соат ичида битди! Бу, давлатга бир миллион сўмдан кўпроқ маблағни тежаб берди. Бу дадил ечим учун Михаил Николаевич Чудан билан Айзик Вольфович Шегал Давлат мукофотига сазовор бўлишди.

«Стальмонтаж» бошқармасининг бошлиғи Марк Иванович Недужко ҳам Давлат мукофотининг лауреати бўлди. У катта талант эгаси ва довюрак киши эди. У билан биз ҳамшаҳар, днепропетровсклик эдик. Недужко камбағал деҳқон оиласида туғилган, заводда слесарь, пайвандчи, кейин монтажчи бўлиб ишлади. Беш йилликлар даврида Урал ва Сибирь қурилишларида монтаж ишларини бошқарди, уруш даврида қамалда қолган Ленинградга бензопровод ўтказишда иштирок этди. Қувурлар Ладога кўлининг музлари устида монтаж қилиниб, сўнгра сув остига туширилларди. Шу тариқа Ленинград фронти бу қувурлар орқали ёнилғи билан таъминланиб турди. Отишма вақтида Марк Иванович Ладога-нинг музли сувига тушиб кетиб, оғир касалга чалинган, лекин умрининг охирги дақиқаларига қадар у тиним билмади.

Запорожьеда фашистлар айниқса ваҳшийлиқ билан бутунлай вайрон қилган ўша прокат цехларини тиклаш унинг бошқармасига топширилган эди. (Мен қизил бўёқда «F» деб ёзилган устунлар ҳақида гапирган эдим). Марк Иванович ағдар-тўнтар бўлиб ётган пўлат устунлар ҳолатини батафсил ўрганиб, пролетларни бутунича тиклашни таклиф қилди. Бу фикр дадиллиги ва янгилиги билан ҳайратга соларди кишини. У тикланаётган цехни катта-катта блокларга ажратди: ҳар бир блок йигирматагача устунни ўз ичига олар ва камида минг тонна келарди. Кейинчалик у блокларни автоген билан кесиб, бир-биридан ажратди, шундан кейин телескопик устунлар — кўтариш мосламалари ишга тушди. Бу мосламалар конструкциясини Недужко ўз бошқармасининг бош инженери Григорий Васильевич Петренко билан биргаликда яратганди. Мосламалар цехнинг гўё томидан ушлаб пролетнинг бутун бир участкаларини юқорига тортар ва мажақланган устунлар секин-аста ростланарди, стропила билан тўсинлар ўз жойини эгалларди. Бошқа кўпгина деталларни қайта тиклаб бўлмасди, албатта. Уларни олиб ташлашарди, баъзи конструкцияларга эса ямоқ солинарди. Бу ўша «даволаш хирургияси» эди.

Пировардида мураккаб участкадаги ишларни кам деганда бир йилга тезлаштириш мумкин бўлди. Металломга топшириш мўлжалланган жуда қимматли анчагина конструкциялар асраб қолинди. Шу йўсинда ўша пайтда вайрон қилинган заводларни қайта тиклаш илми яратилди. У биз учун жуда ҳам зарур эди. Ишқилиб, заводлар ҳам вайрон бўлмасин, уларни қайта тиклашга эҳтиёж ҳам бўлмасин.

Биз «Запорожсталь»нинг пўлат лист ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бўғинларинигина ўз ичига олган биринчи навбати технологик занжирини қайта тиклардик. ТЭЦ шамол юборадиган агрегатлари билан бирга домна печи учун ҳаво бериши, домна эса чўян чиқариб, прокат цехлари учун зарур бўлган иссиқ газ ҳам бериши лозим эди. Аммо, биз фақат шулар билан чекланиб қололмасдик. Айни пайтда бутун корхонани — темир йўл тармоғини, сув таъминотини, энергия таъминотини, ёрдамчи ишлаб чиқаришни ва шу сингарларни қайта тиклаш ишлари ҳам олиб бориларди. Зарбдор қурилишда тўпланган тажриба жуда қимматли бўлиб, уни сира ҳам қўлдан бой бермаслик, унутмаслик, бошқа объектларда ҳар томонлама фойдаланиш муҳим эди. УКП(б) Запорожье шаҳар комитети Запорожстрой новаторларининг илғор иш методларини ўрганиш ва оммалаштириш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Домна печини биринчи бор ишлатишга қадар биз партия-хўжалик активини ўтказдик. Табиийки, унда мен корхонани ишга туширишнинг ҳаҳасидаги муҳим вазифалар тўғрисида кўпроқ гапирдим. Истиқбол ҳақида ҳам гап бўлди:

— Биз сизлар билан биргаликда қисқа вақт ичида хўжалик раҳбарлари ва коммунистларнинг эътиборини давлат планларини бажариш ишига қаратишга муваффақ бўлдик. Бироқ масалага кенгроқ қараш керак. Запорожстройнинг ишга партиявий раҳбарлик нуқтаи назаридан анча характерли бўлган сафоғи бутун партия ташкилотимиз учун, барча саноат корхоналаримиз учун намуна бўлишини истардим.

Бу пайтга келиб заводимизни тиклашга бутун мамлакат ёрдам бермоқда эди. Қурилиш майдончаси ёнида ўрнатилган «Горький», «Рига», «Тошкент», «Боку», «Узоқ Шарқ» деб ёзилган чодирлар турар, уларда қурилиш бригадалари жойлашган эди. Бизнинг буюртмаларимизни етмишта шаҳардаги икки юздан кўпроқ завод бажарарди. Горькийдан юк машиналари келиб турарди, Архангельск шаллар, Ярославль электр моторлари, Боку ва Грозний битум ва бошқа нефть маҳсулотлари юборарди. Москвадан бизга станоклар, Кузнецкдан пўлат ролслар, Белоруссиядан ёғоч, Днепропетровск области заводларидан, шу жумладан, менинг она шаҳрим Дзержинскадан металл конструкциялари олинарди. Гарчи Запорожьеда ўша пайтда, Гипромезнинг филиали ҳам ташкил этилган бўлсада, цехларни қайта тиклаш лойиҳаларини биз учун Киев, Харьков, Днепропетровск, Ростов-Дон, Ленинград, Москва тайёрлаб берарди.

Шу ўринда камтарин бир аёлни — «Запорожсталь» инженери Е. С. Шереметни илиқ сўзлар билан эслаб ўтгим келади. Бир кишининг қўлидан нима келарди. Агар ишга берилган ва ўзининг бурчини ёдида тутган бўлса, у жуда кўп иш қилиши мумкин экан. Чекинишнинг қора кунларида, гитлерчилар шаҳарни ўққа тутиб турган бир дамда у барча калькалар ва бир неча минг листдан иборат чертёжларни йиғиштириб олиб чиқиб кетди, уларни асради ва ниҳоят заводга қайтариб берди. Бу чертёжлар жуда асқотди! Эвакуациядан қайтарилган, биз учун янгидан тайёрланган ускуналар пайдар-пай келиб турарди. Шундай кезларда ҳалиги чертёжлар лойиҳачилар ва монтажчиларнинг қимматли вақтларини тежашга ёрдам берди. Шу нарса характерлики, конструкторлар, ишчилар эски машиналарни модернизациялаш ва яхшилаш йўлини ҳам топдилар. Масалан. Краматорскдан келиб монтаж қилиб кетишган слябинг урушдан олдин қандай бўлса, шундайлигича қолса ҳам, бу қисқич стаининг қуввати йилига 1,200,000 тоннадан 2,000,000 тонна қуймагача кўпайди.

Шу йили Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси Запорожстрой коллективининг ташаббуси билан бошланди. Ўша йили зарбдор қурилишда йил 365 кун эмас, балки 365 кеча-кундуз, деган ҳикматли ибора оғизга тушди. Ленинградликларнинг хабари бизни ниҳоятда қувонтиргани ҳамон эсимда: улар бизга жуда ҳам зарур бўлган ускунани белгиланган муддатдан олдин жўнатиш билан бирга мамлакатимиздаги ва ташқи электротехника корхоналарини запорожьеликларнинг буюртмаларини муддатидан олдин бажаришга чақиришган эди. Биз шу заҳотиёқ жавоб телеграммаси юбордик:

«Ленинград, область партия комитети, ўртоқ Попковга, «Электроаппарат» заводи, ўртоқ Каменскийга, Снабчермет, ўртоқ Спекторовга:

Сизларнинг юқори вольтли ускунани муддатидан олдин жўнатганликларингиз ҳақидаги хабарни олдик. Электромонтаж ишларининг аҳволи кескин яхшиланди. Бу ишга тушириладиган қатор объектларда электромонтаж ишларини ўз муддатларида бажариш имконини беради. Буюртмани муддатидан олдин жўнатганлиги учун завод коллективига миннатдорчилик билдирамиз.

УКП(б) Запорожье область комитетининг секретари Л. БРЕЖНЕВ.

«Запорожсталь» заводининг директори А. КУЗЬМИН».

Корхонани ишга туширишга олдидан ўтказилган, ҳали мен тилга олган охирги актив йиғилишида «майда-чуйда ишлар» ҳақида масала пайдо бўлиб қолди. Кўпгина участкаларнинг раҳбарлари кўлами жиҳатидан энг йирик ишларнинг тугаллангани тўғрисида фахрланиб ахборот бердилар-у, бундай қараганда унчалик аҳамиятли бўлмагандек туюлган ишларни тилга олишмади. Бироқ ана шу «унчалик аҳамиятли бўлмаган» ишларни тугатмагунча корхонани ишга тушириш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди. Қурилишда чинакам тартиб, ҳақиқий план интизомини таъминлаш лозим эди. Шу хусусда мана бундай гаплар бўлиб ўтди:

«Ўртоқ Кузьмин: майда ишлар баъзан катта ишлардан ҳам муҳим бўлиб чиқади. Биздa барча ишларнинг бажарилиш муддати тугай деб қолди-ку, ахир.

Ўртоқ Брежнев: Сизнинг бу масалани ўртага қўйишингиз яхши бўлди. Қатъийроқ қилиб айтиш керак: қурувчилар заводга механизмларни синаб кўриш учун ҳали уч ҳафта вақт ажратиб беришлари керак. Мен 10 май куни қурилишнинг бориши ҳақида Снесий бюрога ахборот бериш учун кетяман, менга сизнинг ахборотингиз жуда муҳим...».

Бир нарсани таъкидламоқчиман: биз ишни белгиланган муддатларда тугаллай олмаймиз, ишга туширишни кечиктириш тўғрисида илтимос қиламиз. план топшириқларини «тўғрилаш» тўғрисида масала қўямиз, деган фикр на қурувчиларда, на область партия комитетида, на шахсан менда ҳатто бўлмаган. План партия иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг бош воситаси. У ишлаб чиқилаётган пайтдагина муҳокама қилиниши мумкин ва лозим. Аммо план тасдиқланиб давлат қонуни кучига кирдими, бас, биргина мажбурият қолади — у ҳам бўлса планни бажариш, айни чоғда фақат муддатида, энг кам ҳаражат сарфлаган ва жуда яхши кўрсаткичларга эришган ҳолда бажариш керак.

Ўз-ўзидан равшанки, ВКП(б) Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг энг фаол ва таъсирчан ёрдамига таянмай туриб, бундай катта ҳажмдаги қурилишнинг уддасидан чиқолмаган бўлардик. Биздан қаттиқ талаб қилишарди, бироқ лозим бўлиб қолган пайтда тезда ёрдам ҳам беришарди. Шуни айтиш кифоя, қурилиш майдончасига бир вақтнинг ўзида Москвадан беш министр келган кунлар ҳам бўларди. «Запорожсталь»га автомобиль ва авиация саноати министрликлари, қурол-яроғ, транспорт машинасозлиги, кўмир саноати, нефть саноати министрликлари ёрдам беришлари лозим эди ва улар шундай ёрдам бериб турдилар.

Буларнинг ичида СССР оғир индустрия корхоналари қурилиши министри П. А. Юдин ва СССР қора металлургия министри И. Ф. Тевосян кўпроқ келишарди. Иван Федорович билан биз фронтда. Жанубнинг саноат марказларини озод қилиш чоғида танишгандик. Ўша вақтлардаёқ у домналар, мартенлар, прокат цехларини қайта тиклаш лозимлиги ҳақида гапирарди. Энди эса Иван Федорович биз тарафга келиб ҳамиша эрталабки айланиб чиқишларда иштирок этар ва рўй берган муаммоларни жойидаёқ ҳал қиларди. У ишнинг миридан-сиригача биладиган, обрўли, катта раҳбар эди.

Кунлар жуда тез ўтар, вақт тобора тигизлашиб борарди, одамлар кеча-ю кундуз ишлашарди, Умуман ўша даврни мен аниқ-равшан ва мамнуният билан хотирлайман. Кривой Рогдан Запорожьега руда юкланган биринчи маршрутнинг келиши ҳам тантанага айланди. Домнани қуритишга киришилди. Бу ҳам қувонч. ТЭЦнинг ҳаво юборувчи агрегатларини синаб кўриш бошланди, қия кўприк бўйлаб шихтанинг дастлабки боғлами ташила бошланди — булар ҳам қурилишнинг ҳар бир иштирокчиси учун катта воқеа эди.

Москвадан давлат комиссияси келди. Унга машҳур металлург, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Иван Павлович Бардин бошчилик қиларди. Уни мен Днепродзержинскдалигимдаёқ билардим. Ўз фикрини ифодалашда одатда вазминроқ бўлган бу киши «Запорожсталь» заводининг биринчи навбатини қабул қилиш актига бундай деб ёзди: «Қурувчилар ва монтажчилар бу ерда шу даражада катта ишларни бажаришганки, ҳажмига кўра ҳам, техникавий топшириқларнинг ҳал этилишига кўра ҳам тенг келадигани йўқ».

Ниҳоят, орзиқиб кутилган тантанавор кун ҳам келди, барча нарсаларнинг тайёрлиги охирги бор текшириб чиқилди ва «Домна ишга туширилсин!» деб буйруқ берилди. Газчи иссиқ ҳаво юборадиган қоқоқини бураб қўйди, обермастер қўлига ёндирилган машъални олиб чўян тешик томон югуриб кетди. Печь гувиллай бошлади. Ана шу пайтда «Запорожсталь»нинг иккинчи бор тугилишидан дарак бериб, ТЭЦнинг бош корпусида бор куч билан гудок чалина бошлади. Гудок овозини эшитганларнинг ҳаммаси шаҳар кўчаларига чиқиқди, нотаниш кишилар ҳам бир-бири билан қучоқлашишар, севинчдан кўзларидан ёш оқарди. Бундан бир кун кейин 1947 йилнинг 30 июнида ҳаммамиз учун қадрдон бўлган Запорожье чўлни қуйилди.

Бу кунни барча тафсилотлари билан эслайман. Печь бир текис гувилларди. Бир-биримизнинг овозимизни базўр эшитардик. Ҳар бир металлург учун одатдагидек ҳол бўлган бу гувуллаш мени ҳам қувонтирар, чунки қалбимнинг тўрида мен ҳам ҳалига қадар ўзимни металлург деб ҳисоблардим. Кислород кескич тешикчани қуйдириб, оппоқ эриган металл жилдираб туша бошлади. У йўл-йўлакай учқун сачратиб, борган сари куч тўплар ва суюқ чўян дарёсига айланарди. Бу дарё юзи жимирлаб борар, ҳаммамиз унга қувгандек ҳаракатга тушгандик. Чўмичнинг биринчи бор қандай тўлишини кузатдик. Бардин билан узоқ вақтгача қўл қисишиб турганимиз, барча горновойлар билан яна қайта-қайта ўпишганимиз ҳамон эсимда.

Ўша заҳоти завод ҳовлисида митинг бўлди. Унга ўн олти мингдан кўпроқ киши тўпланди. Мен қурувчилар, монтажчилар, металлургларни мисли кўрилмаган ишлаб чиқариш галабаси билан табриклидим ва суръатни сусайтирмасликка, мамлакатимизнинг улкан юбилейи — Улуғ Октябрнинг 30 йиллигига йиллик планни адо этишга ва прокат цехларини фойдаланишга топширишга даъват этдим.

Ҳа, бу воқеалар ўттиз йилдан кўпроқ олдин бўлган эди... Июлнинг охирида слябингда биз дастлабки қуймаларни прокат қилдик, 30 августда ҳукумат комиссияси иссиқ прокат цехини қабул қилиб олди. 28 сентябрда эса листни совуқ ҳолда ишлаш цехида асосий, «ишга туширш» митинги бўлиб ўтди. Минбарнинг шундоққина олдида гуллар билан безатилган паровоз турарди, унинг ортида тайёр маҳсулотлар юкланган платформалар тузилган. Биз уни Москва автомобиль заводига жўнатаётгандик. Платформалардан бирига «Запорожьенинг пўлат листини қабул қилиб ол, Ватан!» деган сўзлар ёзилган плакат осиб қўйилган.

Запорожьеликлар ўз сўзларининг устидан чиқишди. Мамлакат уларнинг жасоратини муносиб тақдирлади. Қурилишнинг йиғирма минг қатнашчиси «Қора металлургия корхоналарини қайта тиклаганлиги учун» медалини олди. СССР Олий Совети Президиумининг илғор коллективларни мукофотлаш ҳақидаги Фармонлари эълон қилинди. Запорожстрой трести ва «Запорожсталь» заводи Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди. Кўпгина ишчилар, инженерлар, ишлаб чиқариш командирлари, партия ходимлари Ленин ордени олишга муяссар бўлдилар. Улар орасида ушбу хотираларда тилга олинган И. А. Румянцев, М. Н. Чудан, А. В. Шегал, М. И. Недужко, В. Э. Димшиц, А. Н. Кузьминлар ҳам бор эди. Рўйхатда менинг ҳам фамилиям бор эди. Бу — мен учун жуда мўътабар мукофот бўлиб, Ленин ордени билан биринчи марта тақдирланишим эди.

1947 йилнинг ноябрида Запорожьеда вайроналар орасида тикланган кокс химияси заводи иш бошлади. Энди домначилар ишончли хом ашё таъминотига эга бўлдилар. Бироқ бу тантанада иштирок этиш менга насиб қилмади: ВКП(б) Марказий Комитетининг қарори билан Днепропетровск областига ишга юборилдим.

Запорожьедан бурчимни бажарганлигимдан қониқиш ҳосил қилган ҳолда кетдим. УКП(б) Запорожье области комитетининг мен охирги марта иштирок этган XIX пленумида биримизга мана бундай луқмалар ташлагандик. Аввалига менинг ишим ҳақида илиқ сўзлар айтилди. Мен бу гапларни келтириб ўтирмайман, сўнгра обкомнинг қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи секретари Петр Савельевич Резник ўрнидан турди. Унинг кўзлари мугомбирона қисилган эди. Ҳаммасини стенограммада қандай ёзилган бўлса, шундайича келтираман:

«Ўртоқ Резник: Бўпти, энди ўртоқ Брежнев билан мусобақалашадиган бўлдик. Лекин ҳозир бизнинг областимиз яхши кўтарилянти. Ёмон негиз қўйилмади. Биринчидан, бу йил биз 500 минг ўрнига 600 минг гектар ерга дон экдик. Кузги дон экинларининг аҳволи яхши. Ерларни ҳам шудгорлаб қўйдик, давлат планини бажариб, ҳозир қўшимча маҳсулот топширяпмиз. Запорожьеда бўлгани сингари Днепропетровскда ҳам ўртоқ Брежневга каттик ишлашга тўғри келади. Ишонтириб айтаманки, унга ҳали кўп терлашга тўғри келади (**Залда кулги**).

Ўртоқ Брежнев: Шуни ҳам ҳисобга олиб қўйингки, Днепропетровск областида кучли большевиклар бор.

Ўртоқ Резник: Аммо, шуниси ҳам борки, у ерда ҳозир қаровсизлик ҳам кучли (**Кулги**).

Ўртоқ Брежнев: Раҳмат, ўртоқлар! Мусобақа хусусига келсак, у соғлом, большевистик характердаги мусобақа бўлади...»

7

Шундай қилиб, янги иш жойидаман,..

Тўғри, ўтган йиллар мобайнида ўзим туғилиб ўсган ўлка билан алоқани узмагандим. Запорожьеда ишлаб юриб, ҳар қандай қулай фурсатдан фойдаланиб, онамни, туғишганларимни кўриш учун келиб турардим. Заводимда бўлардим. Қўшни область марказига иш билан бориб турардим, табиийки, обкомга ҳам кирардим. илгари бирга ишлашган ўртоқлар билан учрашиб турардим. Энди яна уйга узоқ вақтга қайтиб келдим. Область партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайландим. Илгариги ўртоқларимиз билан энди фақат ўтган даврни хотирлаб қолмасдан, биз эртага нималар қилишимиз керакligи тўғрисида гапиришардик.

Урушгача Днепропетровск ўз металлургияси билан, ўнлаб темир руда ва марганец қазиб чиқариладиган шахталари билан, буғдой ва маккажўхоридан юқори ҳосил олиши билан, юксак маҳсулдор чорвачилиги билан машҳур эди. У Украинанинг йирик қишлоқ хўжалик ва саноат областларидан бири бўлиб, урушга қадар мен уни яхшигина ўрганганлигимга қарамай, энди янгидан ва айтиш мумкинки, жуда тезлик билан вазиятни ўзлаштириб олишим, қийинчиликларни аниқлай билишим, келгуси вазифаларни тушуниб олишим ва истиқболни белгилашим лозим эди.

Вайронагарчилик бу ерда ҳам жуда даҳшатли эди. Днепропетровскда гитлерчилар бир юз етмиш завод, олти юз эллик етти йирик уй-жой, йигирма саккиз касалхонани портлатиб, ёндириб юборишган эди. Олтмиш саккиз километр узунликдаги трамвай йўлини ва юз километрдан кўпроқ узунликдаги мисдан ясалган контакт симини кўчириб, Германияга олиб кетишганди. Опера ва балет театри, бадиий музей, университет, мактабларнинг деярли ҳаммаси, институтларнинг ҳаммаси, вокзаллар ва темирйўл кўприклари вайроқ қилинганди. Металлургларнинг ажойиб саройини фашистлар отхонага айлантиришганди: ёруғ заллар оғилхоналарга бўлиниб, йиғма паркет от ғўнги билан булганганди.

Фашистлар бу ўлкада металл ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга уринib кўришди. «Штальверка-Брауншвей», «Фош», «Ферайнигте-Алюминиумверке», «Юнкерс» фирмаларининг вакиллари учиб келишди. Улар Запорожье алюминий заводи, «Днепроспецсталь», «Запорожсталь»ни қайта тикламоқчи бўлишди. Лекин подпольечиларимизнинг қўпорувчилик ишлари ва ишчиларимизнинг қаршилиги уларнинг режаларини барбод қилди. Тўғри, босқинчилар Днепропетровскда барибир битта ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар: мартен ва домналарни ишга туширишга кўп марталаб ва муваффақиятсиз уринишлардан кейин улар Петровский номидаги металлургия заводида... мармелад фабрикасини очишди...

Мен учун қадрдон бўлган жойлар — Днепропетровск ва Днепродзержинск озод қилинган кувончли кун ҳозиргидек эсимда. Штабимиз Тамань ярим оролида жойлашган эди. Биз собиқ чорвачилик совхози территориясида турардик. Совхознинг хўжалик иншоотлари биз учун чодир ўрнида хизмат қиларди. 1943 йилнинг 25 октябрида тунда ёқимга генерал Зарелуа югуриб келиб уйғотди:

— Қаранг, қандай қувончли воқеа — Днепропетровск озод қилинибди! Бизнинг қўшинларимиз Днепропетровскни ҳам, Днепродзержинскни ҳам штурм билан ишғол қилишибди! Москва салют берянти!

Биз ўша пайтда галаба салютларига қўникиб қолган бўлсак ҳам, лекин буниси менинг учун алоҳида воқеа эди.

Ҳали фронтдалигимдаёқ босқинчилар ҳайдалганидан кейин Днепропетровскдаги ишлар қандай кетаётгани билан мунтазам равишда қизиқиб турдим. Учинчи куниёқ, 1943 йилнинг 28 октябрида петровчи-ишчилар ТЭЦ турбиналаридан бирини ишга тушириб, шаҳарга электр қуввати беришган, 1944 йилнинг ёзида эса, биринчи мартен печини фойдаланишга топширишганди. Қадрдон Дзержинскада мени эшикдан кираверишдаги бетда ўрнатилган соддагина хайкал кўз ёши қилиб олишга мажбур этди. Супачада пўлат қуймаси ётарди. Бор-йўғи пўлат қуйилмаси. Ёзувларда бундай дейилганди:

«Днепродзержинск шаҳридан немис босқинчилари ҳайдаб чиқарилганидан кейинги 26-кунда, 1943 йилнинг 21 ноябрида 5-мартен печида қуйилган биринчи қуйма. Эритма № 5—1. Пўлат қуювчилар Ф. И. Маклес ва Г. А. Панкратенко».

Франц Иосифович Маклес ва Гордей Антипович Панкратенко бу дастлабки пўлатни эритишгина қолмай, вайрон бўлган печь деворларини ва гумбазларини уларнинг ўзлари тартибга солганликларини, қотиб қолган чўянни чиқариб олганликларини, мартенни ўзлари қайта тиклаганликларини айтиб беришди. Уларнинг иккаласи ҳам кексайиб қолган, иккаласи ҳам гражданлар урушида қатнашган, иккаласи ҳам урсоқ 1919 йилда бизнинг заводимизда парчинлаб қуйилган бронепоездда артиллериячи бўлиб хизмат қилган эди. Улар нинг иккаласи ҳам ўша 1919 йилда Владимир Ильич «Бутун инсониятнинг биринчи ишлаб чиқарувчи кучи ишчидир, меҳнаткашдир. Агар у омон бўлса, биз **ҳамма нарсани** сақлаб қоламиз ва тиклаймиз» деб айтган меҳнаткаш кишиларнинг тимсоли эди.

Улуғ Ватан урушидан кейин бу фикр ҳаддан зиёд ёркин ифодасини топди. Шу муносабат билан бир фикрни айтишни истардим. Дунёда икки социал системанинг курашги давом этмоқда. У Ленининг ҳаётлигида бошланган эди. У бугун ҳам давом этяпти. Шу ўринда ким қанча пўлат эритганлигини, нефть қазиб олганини, электр ҳосил қилганини, дон, пахта етиштирганини таққослаб кўриш турган гап. Бундай ҳисоб-китобларни биз ҳам, бизнинг мафкуравий муҳолифларимиз ҳам қилишади. Улар Совет Иттифоқи кўп жиҳатлардан, масалан, АҚШни қувиб етганини, қатор муҳим иқтисодий кўрсаткичлар бўйича эса анча ўзиб кетганини тан олишга мажбур бўлгани ҳолда йирик капиталистик давлат экономиканинг биринчиликни ҳали қўлдан бермаган кўрсаткичларини ҳамиша таъкидлашади.

Айни пайтда улар биз қандай тарихий шароитларда ва уларнинг ўзлари қандай тарихий шароитларда иш кўрганликларини ўз ўқувчилари ва тингловчиларидан сир сақлашга уринадилар, бу ҳақда зўр бериб сукут сақламоқдалар. Ваҳолонки, уларнинг ўз иборасн билан айтганда, бу «ҳалол» мусобакада душманлар хуружидан океан билан тўсилган бир томон ҳар қандай урушдан бойлик орттирган бўлса, иккинчи томон узлуксиз игвогарликларга дуч келиб, уруш ва вайронагарчиликнинг оғир жаб-ситамларини бошдан кечирди, кўпгина соҳаларда ишни деярли йўк жойдан бошлашга мажбур бўлди. Запорожье областида ҳам, Днепропетровскда ҳам шундай бўлган эди. Буларни мен ўз кўзим билан кўрдим. Бутун мамлакатда шундай бўлган эди: иккинчи жаҳон уруши бизнинг миллий бойлигимизнинг учдан бир қисмини вайрон қилган эди.

Агар бизга ҳалақит бермаганларида, оёғимиздан чалмаганларида, тинч меҳнатдан чалғитмаганларида, қуролланиш пойгаси билан мамлакатимиз мудофааси учун катта куч ва маблағ сарфлашга мажбур қилмаганларида нималар ҳам қилмасдик, социал тараққиётда ҳам, иқтисодий тараққиётда ҳам, қанчалар олдинга кетардик, деб беихтиёр ўйлайсан киши. Ҳар қанча ҳалақит берилганига ва тўсиклларга қарамай Октябрнинг олтмиш йиллигига биз экономиканинг, фаннинг, маданиятнинг юксак даражасига эришган ҳолда келган эканмиз, совет тузумимизнинг, халқимизнинг қанчалик куч-қудратга эга эканлигини ҳис қилмаслик мумкин эмас!

...Запорожьеда бор-йўғи бир йил-у уч ой ишладим, холос, бироқ Днепропетровскка муайян тажриба орттириб келган эдим. Бу ерда ҳам ишни заводларга ва колхозларга боришдан бошладим тез-тез қурилишларда бўлиб турардим. шахталарга тушардим. Иложи борича одамлар билан кўпроқ мулоқатда бўлишга ҳаракат қилардим. Партиявий ишнинг характери кўпчиликка маълум, шунинг учун бошқа нарса ҳақида, ана шу ишнинг услуби ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Бу пайтга келиб меҳнатда орттирилган тажриба, уруш, кишилар билан бўлган мулоқатлар, мутолаа ва фикр-мулоҳазалар менинг иш ва ҳаёт услубимни аллақачон белгилаб қўйган эди, албатта. Бизнинг барча раҳбарларимизнинг услуби амалда битта — ленинча, партиявий услуб бўлмоғи керак. Умуман олганда шундай ҳам. Бироқ, айни пайтда ҳар кимнинг ўз хусусиятлари бўлиши мумкин. Обкомлар биринчи секретарларининг вазифалари, бурчлари доираси, масъулият мезони ҳар канча умумий бўлган тақдирда ҳам киши характерининг қирралари бу ишда, албатта, намоён бўлади.

Днепропетровскда меи урушдан олдин билган кишимнинг ўрнини эгаллашимга тўғри келди. П. А. Найденов ўшанда область иқроил комитетининг раиси эди. У фронтда иштирок этган, фаол, сергайрат раҳбар бўлиб, ўта софдил киши эди. У менинг энг яхши ўртоғим эди. У ҳақда кўп яхши нарсаларни биламан, Бироқ унинг ишида камчиликлар ҳам бор эди. Областда ишлар унчалик яхши эмасди. ВКП(б) Марказий Комитети раҳбарликни алмаштириш тўғрисидаги масалани қўйгани ҳам шундан эди.

Менинг ҳаётий тажрибам бу ерда. Днепропетровскда ҳам иш берди. Йирик заводларнинг директорлари билан биринчи танишувим хотирамда тушди. Ўрим-йиғим пайти эди. Обкомнинг қишлоқ хўжалик бўлими мудири Ф. Е. Ганзиндан бизда транспортнинг аҳволи қандайлигини суриштирдим. Жавоб мен кутганимдек бўлиб чикди: аҳвол ёмон эди. Шаҳардаги машиналар-чи, деб сўрадим. У заводларга кимга канча юк машинаси жўнатиши кераклиги тўғрисида разнарядка берилганлигини бироқ директорлар пайсалга солиб, алдаб келаётганликларини, машина берган тақдирда, ҳам энг ёмонларини жўнатишаётганини айтди.

Бу ишда нотўғри

ТИКЛАНИШ

(Бошқ иккинчи бетда).

Ўша даврда заводларнинг колхозларга оталиқ ёрдамини қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг, дон учун курашнинг муҳим воситаси деб ҳисоблардик. Усти бостирилган хирмонлар, айниқса, муҳим эди. Тўғри. ишни яна ўша разнарядка, буйруқ бериш, жазолардан бошлаш мумкин эди. Бироқ мен бошқача йўл тутдим. Кунлардан бирида обкомда директорлардан Ф. Н. Балакин, Н. Р. Попов, И. И. Коробов. П. В. Савкин ва бошқалар тўпланиб қолишди. Заводлардаги ишлар ҳақида суҳбат давом этарди. Мен бирдан шундай дедим:

— Айтишларича, Пётр Васильевич йигирмата усти бостирилган хирмонни жиҳозлаш истагини билдиribди.

Ленин номли завод директори, кейинчалик Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Савкин ҳатто қалқиб кетди:

— Йўқ. Леонид Ильич, йигирматасини уддалай олмайман. Ҳали тўқиз тасини эпласам ҳам катта гап.

— Нима ҳам дердик, майли шунга келишганимиз бўлсин! Хўш, Илья Иванович нима деркин?

Сўнг биз ҳаммамиз кулиб юбордик, бироқ иш юришиб кетди. Ёки яна бир воқеа. Езда кун айни исиган бир пайтда облплан ранси билан обкомнинг маҳаллий саноат бўлими мудирини ҳузуримга чақирдим Навбатдаги ишлар хусусида гапиришдик, гап орасида шундай деб сўрадим:

— Нондан тайёрланган квасдан нчиб олсак ёмон бўлмасди-а?

— Ёмон бўлмасди! — дейишди улар бараварига.

— Областимизда шундай квас тайёрланадими?

— Йўқ... ҳозирча.

Мен келишиб қўйганимизга кўра кнопкани босдим. Кабинетга квас тўлдирилган кўзани олиб киришди. Уни ходималардан бири ушдан олиб келган эди.

— Марҳамат, татиб кўринг...

Облпланга менинг эски танишим Г. М. Дрюченко мудирлик қиларди. У билан биз Забайкальеда битта танкчилар ротасида хизмат қилган эдик. Мен нима демоқчи бўлганимни у дарҳол фаҳмлаб олди.

— Қалай Григорий, — сўрадим мен, — квас ёқдими?

— Шуғулланамиз, — жавоб берди у. — Бугунок одамларни йигамиз.

— Уялмай-нетмай юрганларингизни қаранг-а, — дедим мен. — Биз ўтирган жойнимизда шунчалик иссиғ-у, ҳозир мартенлар, домна печлари олдида қандай иссик бўлаётган экан? Ишчи чанқоғини нима билан қондирянти экан? Бу ҳақда облплан билан маҳаллий саноат ўйламаса ким ўйлаши керак? Қачон киришасизлар? Муддатини аниқ айтинглар-чи?

Таъсир қилибди: ўша ёздаёқ шаҳарда квас пайдо бўлди.

Одамлар ҳар хил бўлади, улар билан ҳар хил гапириш керак. Баъзан эса сукут сақлаш ҳам кишига катта таъсир қилади. Петровский заводида рельс тўсинлари цехини ишга тушириш чоғида оғир аҳвол вужудга келиб қолди. Муддат тугай деб қолянти, бу ёққа қарасанг қилинмаган ишларнинг саноғи йўқ, лойиҳачилар, қурувчилар, пудратчилар ўртасида жанжаллар бўлиб турарди. Уларнинг ҳаммасини область партия комитетига тўплашга тўғри келди. Ўзаро низолар бу ерда ҳам давом этди. Ҳамма қабул қилишни гўё кечиктираётган заводга қўярди. Шунда рельс тўсинлари цехининг бошлиғи ўрнидан туриб бармоқларини бука бошлади: анови жойда болтлар қотирилмаган, яна бир жойда деталь ўз ўрнига тушмаган, мана бу жойда электр асбоблари созланмаган. У шу ҳолда актга имзо чека олмаслигини, ахир шу станда ўзи ишлаши лозимлигини айтди.

Ҳамма ўз фикрини билдирди. Одатга кўра биринчи секретарнинг хулосасини, балки таниҳларини кутишарди. Бирок мен атиги бир нарсани сўрадим:

— Ўртоқлар, нима иш қилиш кераклигини ҳамма тушундими?

— Тушунарли, — жавоб беришди.

— Ундай бўлса жавоб сизларга, бориnглар, ишларинглар.

Мана, якуниловчи сўз ҳам шу билан тугади. Одамлар ҳали йигилишга тайёрланиш жараёнидаёқ ўзларининг камчиликларини билиб олганликларини, ўзларининг жавобгарлигини ҳис қилганликларини кўрдим. Энг муҳими, область партия комитети бу зарур объект қурилиши устидан назоратни ва қурувчилар топшириқни уддалай олишларига ишончини улар ҳис қилишлари керак эди. Шундай бўлди ҳам.

8

Днепропетровск область партия комитети кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга жуда катта эътибор берарди. Бу масала ўша пайтда алоҳида жиддийлик билан қўйилган эди; минглаб партия ва совет ходимлари фронтларда, партизан отрядларида, подпольеда ҳалоқ бўлишган эди. Улар ўрнига келган кишиларнинг ҳали тажрибаси, билими кам эди. «Раҳбарлик тўғрисидаги масала — бу кадрлар тўғрисидаги масаладир» — ишни йўлга солар эканмиз биз ана шу принципга амал қилардик. Область комитети бюроси раҳбарлик лавозимларига кўтарилаётган коммунистларнинг сиёсий ва ишчанлик фазилатларини тез-тез муҳокама қилиб турар, ғайратли, қобилиятли кишиларни дадиллик билан кўтаришни талаб қиларди. Вақт шуни кўрсатдики, умуман, биз бундай одамларни юқори ишларга кўтариб ҳато қилмадик.

Тўғри, «ланж» бўлиб қолган виждонсиз ходимлар, раҳбарлар, «юрагида ўти йўқ» кишилар (ўша пайтдаги стенограммаларда шундай иборалар бор эди) ҳам учраб турарди. Уларга нисбатан биз муросасиз эдик. 1947 йилнинг декабрида мамлакатда пул ислоҳоти ўтказилди. Шундай арбоблар ҳам топилдики, улар ўзларининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, пул алмашишнинг шартларини олдиндан билган ҳолда фойда олиб қолиш пайидан бўлиб, пулларини омонат кассаларига қўйишга зўр беришди. Мен уларни партиядан ўчиришни талаб қилиб чиқдим. Худди шунингдек, қобилиятсизлиги, чеклганлиги сабабли ишни бардбод қилган кишиларнинг ҳам постларидан (бошқа раҳбарлик лавозимларига яна қайтадан «ишга жойлаштирмаслик» шарти билан) бўшатишларига эришдим. Одамгарчилик юзасидан баъзиларига раҳмимиз ҳам келди, бироқ давлат ҳисобига кўнгилчанлик қилиш мумкин эмас эди.

Кимки ўзининг иш қобилиятини кўрсатган, кимга область партия комитети ишонган бўлса, улар ана шу ишончни сезишлари лозим эди. Обкомнинг умумий бўлимида мудир бўлиб бизда Е. Н. Маляревский ишларди. У билан урушдан олдин ҳам таниш эдим, фронтда ҳам учрашганмиз. «Агар лозим бўлиб қолса истаган пайтда киравер», — дедим мен унга Днепропетровскка келганимдан кейин. Чиндан ҳам ҳамма вақт унинг гапларини доимо лиқлат билан эшитиб, қўллаб-қувватлаб, керак бўлганда маслаҳатлар билан ёрдам бериб турдим. Қарабсизки, иш олга силжиянти. Демак, унинг олдига қўйилган вазифаларни бажаришда унинг ташаббус кўрсатиб ишлашига имкон бериш керак.

Кўпгина ходимларга ишонганлигимни амалда кўрсатиб ва кўпчилик жорий масалаларни ҳал қилишни ҳақиқатан ҳам уларга топшириб қўйиб, мен умумий аҳволни таҳлил қилиб, перспектив проблемалар тўғрисида фикр юритиш, принципиал вазифаларни белгилаш учун ўзимга вақт топдим. Ана шу вазифалардан бири ҳам ташкилий, ҳам партиявий-сиёсий ишларнинг сезиларли даражада яхшиланишига эришиш вазифаси бўлиб, уни Запорожьедалигимдаёқ қаттиқ ушлаб олган эдим. 1948 йил февралида область партия конференциясида бу ҳақда шундай дейилган эди:

— Вазифа партиявий ишни хўжаликка раҳбарлик қилиш билан тўғри уйғунлаштириб олиб боришдан иборатдир. Бу—санъат. Партиявий ишдаги бу санъатни ўрганиш керак...

Шуни айтиш керакки, ўзимга ҳам ҳамиша ўқишга, ўрганишга тўғри келди. Бу ҳамма учун зарур, албатта. Вазнят ҳамиша ўзгариб, янги-янги проблемалар рўй бериб туради. Партиявий раҳбар агар орқада қолишни истамаса бутун умр ўқиши, ўрганиши керак.

Днепропетровскда мен тикланишнинг навбатдаги босқичига дуч келдим; заводлар маҳсулот бера бошлаганди. Гарчанд уларнинг кўпгина цехлари ҳали вайрона ҳолида бўлса ҳам, кўпгина шахталарни сув босиб ётган бўлса ҳам саноат оёққа тура бошлаган эди. Энди уй-жой қурилишини, маданиятни, маиший хизматни йўлга солиш керак эди. Масаланинг жиддийлиги равшан бўлиши учун Днепродзержинскда Х шаҳар партия конференциясидаги нутқдан бир қисмини келтираман:

«Залда меннинг кўпгина ўртоқларим, собиқ синфдошларим, ҳозир цехларнинг бошлиқлари, сменаларнинг бошлиқлари бўлиб ишлашаётган Левинов, Олейник, Гречкин ва бошқа ўртоқларни кўриб турибман. Уларга ва сизларнинг ҳаммаларингизга область ва шаҳар партия комитети уй-жой қурилиши билан етарли даражада шуғулланишмаганини рўй-рост айтмоқчиман. Аҳвол шу даражага бориб етганки, конференцияда уй-жой қурилиши бўйича план бор-йўғи 11 процент бажарилди, деб ахборот беришга тўғри келмоқда.

Залдан овоз: 7 процент!

— Ҳатто 7 процент. Бу шармандалик-ку, ахир! Ишчиларни ушлаб қолиш керак деб гапирамизу, бундай аҳволга чидаб келяпмиз. Шаҳар комитетининг янги сайланган состави ва область партия комитети бунга барҳам бериши керак. Одамлар уруш йилларида катта қийинчиликларга бардош беодилар, ғалабамизни деб катта муҳтожликларни бошдан кечиришди. Энди илкида улар маиший шароитларнинг яхшиланишини талаб қилишга ҳақлидирлар. Биз, большевиклар меҳнаткашларнинг моддий ва маданий даражасини оширамиз деб, халққа маълум васиқа бериб қўйганмиз. Биз берган васиқамизни тўлашимиз керак!»

Вазиятнинг мураккаблиги шундан иборат эдики, маҳаллий Советларнинг пуллари ҳали кам бўлиб, асосий маблағ заводларнинг директорлари қўлида эди, улар эса шаҳар қуришдан бош тортишарди. Днепропетровскда умуман олганда марказ деган нарса йўқ эди. Карл Маркс проспекти ҳали ҳам ҳароба бўлиб ётарди, шаҳар чеккасида эса жўхнина ишчи посёлкалари қурилади. Ҳатто шундай бир назария ҳам ўйлаб чиқилган бўлиб, гўё домна, пўлат эритиш, прокат цехларининг бошлиқлари завод қошида яшашлари лозим эди, Ахир ўша пайтда ҳали телефонлар ҳам, трамвайлар ҳам, машиналар ҳам йўқ эди. Зўр деганда от қўшилган бедарка бўларди (раҳбарлардан бири планлаштиришга нима учун кечикиб келдингиз, деган саволга баланд овоз чиқариб: «Менда машина йўқ, байталимни эса профилактикага қўйган эдим», деб жавоб бергани ҳали эсимда).

Заводларни арзон-гаровга вақтинчалик турар-жой эмас, балки обод уй-жойлар, шаҳар чеккаларида эмас, балки марказда қуришга мажбур қилиш керак эди. Директорлар билан дўстона суҳбатлашарканман, мен уларнинг маҳкамачилик қурилиш сиёсати маблағларни тежаш тўғрисида фақат ҳом ҳаёлдангина иборат, бу эртами-кечми бари-бир зарарга айланади, деб исботлашга уринардим. Обкомнинг бюросида шаҳарнинг асосий магистралларини қуришимиз кераклиги ҳақида, улар бўйлаб ажойиб уйлар барпо этиб, бу уйларга энг яхши меҳнатчиларни, Ватан урушининг ногиронларини, ҳалок бўлганларнинг оилаларини кўчириб киритишимиз кераклиги, бу одамлар партия ва ҳукуматимизнинг улар турмушини яхшилаш тўғрисида қилаётган ғамхўрлигини амалда ҳис қилишлари кераклиги тўғрисида расмий гаплар бўлди, Бироқ иш жуда секинлик билан борарди.

1948 йил май ойининг охирида мен яна бутун областни айланиб чиқдим, Никополда, Павлоградда, Кривой Рогда Новомосковскда, Марганецда бўлдим, кўп нарсаларни кўрдим, ўз фикрларимнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилгач, йирик заводларнинг директорларини тўпладим ва кустарчиликка обком ортиқча чидаб тура олмайди, шаҳар шаҳардай бўлиши керак, бунга эса вақт етган, деб уларга рўй-рост айтдим. Директорлар ўзларини эҳтиёткорлик билан тутишарди, бундай пайтларда одатда бўлганидек, улар маблағимиз йўқ, бўлганида бош устига эди, бундан ташқари яхши лойиҳалар ҳам йўқ, қурилиш базасининг ҳам мазаси йўқ ва ҳоказо ва ҳоказо, деб гапиришарди.

— Бир таклиф бор, — дедим мен охирида. — Келинглар, ҳаммамиз биргаликда яхши уюштирилган жадал қурилишни бориб кўрамиз. Нималарни қабул қилиб олиш мумкинлигини аниқлаймиз. Ўзоққа бормаймиз. Келишдикми?

— Келишдик, — жавоб беришди.

— Бўлмаса узоққа чўзмай қўя қолайлик. Эртага етти-ю нол-нолда обкомнинг биноси олдида тўпланамиз.

Шундай қилиб, эрталабки соат еттида бир неча машинада директорлар, қурилиш трестларининг раҳбарлари, шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг ходимлари биринкетин йўлга тушдик. Эсимда, ҳавонинг қовоғи солиқ эди ,биз қияликка ёпиштириб солинган уйлардан иборат қишлоқлардан бири —Мандриковкадан ўтиб жанубга қараб ўйдим-чуқур йўлдан борардик. Деярли бутун йўл бўм-бўш эди, йўловчиларни қарийб учратмадик, битта ҳам машина кўринмади, Теварак-атрофдаги дарахтлар ёндириб юборилган, далалар окоплар билан тилка-пора қилиб ташланган, фақат у ер-бу ердагина тракторлар ёки ўлжага тушган шатакчи тракторлар ишлаётган эди. Биз шу тахлитда икки соат йўл юрдик. Сўнгра тепаликка кўтарилдик. Пастда эса Днепрогэс манзараси намоён бўлди. Ундан нарироқда пастликда катта оқ шаҳар ястаниб ётарди. Худди шу пайтда қуёш кўриниб, деразаларда нур жилва қила бошлади. уйлар баланд, ёруғ бўлиб туюларди... Қалбимни илиқ ҳис-ҳаяжон чулғаб олди, Запорожьега қўшни областнинг вакили сифатида келган бўлсам ҳам, айни пайтда мен шу ерниг одами эдим.

Ахир, юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал, деб бежиз айтишмайди-да. Меннинг экскурсиячиларим асфальт бетонни кўришди. Бу ҳақда мен уларга бир неча бор гапириб берганман. Улар запорожьеликлар аллақачон ишлатишаётган кабель қранлари билан қизиқишди, «Санчиш методи» билан водопроводни қандай ўтказишларини зўр қизиқиш билан кўздан кечирдилар. Гидравлик домкратлар 800 миллиметрлик қувурларни ерга босиб киритишарди, шу йўсинда кўз олдимизда қарийб бутун бир кварталга қувур ётқизилди. Муддатлар тўғрисида, таннарх тўғрисида, меҳнат унумдорлиги ва қурилиш материаллари тўғрисида кўпгина саволлар бўлди, албатта. Сўнгра биз ишчилар ошхонасида овқатландик, уйга кеч тунда қайтиб келдик. Қайтишда иккита директор — Бабушкин номли завод билан Либкнехт номли завод директори кўп қаватли қулай уйларни ёқтириб қолгани, ҳатто лойиҳаларни такрорий қўллаш тўғрисида келишиб ҳам олишгани маълум бўлди, Ярим йиллан сўнг бу чиройли уйлар бош проспектда қад кўтарди. Улар марказнинг қурилишига тортки берди. Ишнинг муқаддимаси шундай бошланган эди!

Дарвоқе, соҳил бўйининг тақдири ҳаммадан кўра қизиқроқ бўлди. Ҳозир у шаҳарнинг энг гўзал жойига айланган. Ўша пайтда бу ерда фашистлар фақат вайроналарни қолдирган эдилар. Мен бу соҳил бўйи қайта қурилгач нақадар гўзал қиёфа касб этишини тасаввур қилардим. Бироқ, хўжалик ходимлари бундай қувончли келажакка фикран назар ташлар эканлар, «Бундай гўзал манзарани кўриш кимга насиб қиларкин?» дегандай бош чайқаб қўйишарди. Уни кўриш деярли ҳаммамизга насиб қилди! Тез орада аҳоли соҳилда жойлашиш чанки эмаслигини тушуниб қолди шекилли, Днепр бўйидан ер сўрашга тушишди. Фурсат ўтган эди. Соҳил бўйини шаҳар Совети ижроия комитети қурилиш учун аллақачон тақсимлаб бўлган эди.

Ҳаммага равшанки, урушдан кейинги оғир йилларда мамлакат асосий кучларни, маблағларни саноатни, қишлоқ хўжалигини қайта тиклашга сафарбар этган эди. Бу қонуний ва тўғри иш эди. Бироқ, баъзан ана шу тўғри шиор ниқоби остида тепса-тебранмаслик, хўжасизлик, оддий нўноқлик беркиниб ётарди, Шу билан бирга уй-жой, транспорт, маиший хизмат, маданият бобидаги қолоқлик меҳнат унумдорлигига, пировардида эса ишлаб чиқаришнинг ўсишига сўзсиз таъсир қиларди.

Область партия комитети партия, совет, хўжалик раҳбарларидан ташаббускорликни талаб қиларди. Кунлардан бирида УКП(б) Днепропетровск шаҳар комитетининг секретарлари К. К. Тарасов, П. Ф. Храпунов ва шаҳар ижроия комитетининг раиси Н. Е. Гавриленколарга мен бундай дедим:

— Каттакон сумкани олиб, Москвага борингиз. Албатта, министрларнинг қабулида бўлингиз. Вайроналар ҳақида гапириб берингиз, суратларни кўрсатингиз. Шундай қилингларки, шерикчилик йўли билан сув тўплагич минораси қуриш учун, трамвай учун, болалар боғчалари учун, уй-жойлар учун маблағ беришсин. Булар уларнинг ўз ишчилари учун зарур эканлигини айтинглар. Қатъийлик билан кириб боравергинглар. Каттиқ талаб қилингиз, Сизлар коммунистларсиз, коммунистлар эса дадил бўлиши керак.

Шундай қилишга тўғри келарди, бу эса яхши натижалар берарди. Заводлар хнёбонлар учун чўян панжаралар қўйиб беришди, фонуслар қўйишди. Трамвай йўллари учун тирговучлар ўрнатишди. Минглаб ишчи ва хизматчилар якшанбаликларга чиқиб, уюмларни текислашди, гуллар, дарахтлар ўтқазишди. Шаҳардаги энг чиройли Чкалов номли ва Шевченко номли маданият ва истироҳат боғлари ўша пайтда барпо этилганди. Болалар темир йўлининг очилиши ўғил-қизларга катта қувонч келтирди. Сўнгра биз ВЦСПСлан Екатерина замонидан қолган саройни тиклаш учун пул олдик. Саройни студентларга беришга қарор қилинди, олий ўқув юртларидаги ҳар бир киши қишлишда эллик соатдан ишлаб берди. Шу тахлитда ажойиб архитектура ёдгорлиги ва Днепропетровскда энг машҳур ёшлар клуби — Студентлар маданият саройи пайдо бўлди.

Бу ўринда мана шуни ҳам қўшиб кетиш лозим. Партиявий раҳбар одамлардан ташаббускорликни талаб қилиш билан бирга, мураккаб пайтларда уларни ҳимоя қила билиши, зарбни ўзига қабул қила билиши ҳам керак. Никополь қувур заводининг директори Н. А. Тихонов, масалан, шундай бир вазиятга тушиб қолганди. У ишчиларнинг маиший турмуши тўғрисида, айтиш мумкинки, ҳаммадан кўра кўпроқ ғамхўрлик қиларди, унинг заводидаги ишлар ҳам чакки эмасди. (Шуниси ҳам борки, бу қонуний бир ҳол бўлиб. одамлар тўғрисида ғамхўрлик бўлмаган жойда иш яхши кетишини кутиш ҳам қийин). Обкомнинг тутган йўлига эргашиб, Тихонов бемор ишчилар учун стационар очди, ишчилар таъминоти бўлимига қарашли дурустина ошхона ташкил этди, фашистлар вайрон қилиб кетган йўлни тиклай бошлади, завод клубини областда биринчилардан бўлиб ремонтдан чиқарди. Лекин ремонт учун унга етти юз минг сўм ажратишган эди. сарф қилингани эса салкам уч баравар кўп бўлгани эсимда. Шунда бир томонга Тевосян келди. Учаламиз кетаётганимизда Иван Федорович директорни қойий бошлади:

— Сен кимсан. Рокфеллермисан? Сенга пул шунийчун берилганмиди?

Худди шу пайтда машина тўхтаб, биз тушдик, қаршимизда эса салобатли, топ-тоза, чиройли клуб биноси қад кўтариб турарди:

— Ҳа-а, — дедим мен гўё министрни қувватлаган бўлиб, — Шахсан ўзлари учун мана бунақанги «дача» ҳам қуриб олишган!

Тевосян мийигида кулиб қўйди, биз яна йўлга тушдик. Янги кўлга бурилганимизда унинг яна жаҳли чиқди.

— Сени нима қилса бўлади-а? — юзланди у директорга. — Менга Молия министрлигидан қўнғироқ қилишди, мана бу йўл тўғрисида билишаркан,

— Обком ҳам билади, — дедим мен. — Бусиз тунги смена бўлмасди, У ўзи учун эмас-ку, ўзининг шахсий чўнтагига солмаяпти-ку, ахир, Иван Федорович. Истасангиз, биз бу йўлни халқ қурилиши тарзида тугатамиз.

Кейин шундай қилинди ҳам, лекин энг яхши директорни хавф-хатардан асраб қолдик. Бу гап областда маълум бўлиб қолди, бундай нарсалар тез тарқалади ва фойда келтирмай, бошқа жойларда акс-садо бермай қолмайди, албатта.

9

Иш—одамнинг ҳақиқий баҳосини аниқлайдиган бамисоли қайроқтош. Кимки иш билмаса, ўз ўрнини топиб ўтирмаган бўлса, у эртами кечми, ўз камчиликларини қўшиб ёзишлар ва бошқалар билан тўлдиришга уриниб кўради. Масалан Крилов ўз ҳақида нима деганини биласизми...? «Алдоқчи толар қалбида, аммо, ҳамиша бекинишга жой».

— Бизга сиз ишдан гапиринг, — дердим бундай одамларга одатда. — Бизга қасидалар ўқишингизнинг ва хушомадгўйлиқнинг кераги йўқ. Сизни обкомга бунинг учун чақирган эмасмиз.

Агар иш услуби тўғрисида, кишилар билан ўзаро муносабатлар ҳақида гапирадиган бўлсак, пировардида шуни айтмоқчиманки, мен одамларни ўзингга ўхшаган қилиб қўйишга уринмаслик кераклигини тушундим. Одатда, бундан ҳеч қандай яхшилик чиқмайди. Партиявий раҳбар ишдаги сафдошларини қандай бўлса, шундайлигича тан олмоғи керак. Уларнинг оҳиз томонларини албатта билиш, аммо кучли томонларини ҳам кўра билиш ва уни ишнинг манфаати йўлида йўналтира олиш ҳам керак. Шундай бир мисол хотирамда турибди.

Днепропетровскда областдаги энг йирик Петровский номли металлургия заводининг директори Илья Иванович Коробов билан менинг муносабатларим тезда изга тушавермади. У машҳур ишчилар сулоласининг вакили бўлиб, отаси Макеевкада обер-мастер бўлиб ишлар, ака-укалари ҳам домначилар эди. айтгандай менимча, унинг болалари, ҳозир эса набиралари ҳам ўша анъанани давом эттириб келишяпти. Коробовлар оиласини Сталин ҳам биларди, бу оила мамлакатда танилган эди. Буларнинг ҳаммаси яхши, лекин юмшоқроқ қилиб айтганда, бу одам баъзан меъёридан ошиб кетар, жиззакироқ эди.

Мен ўз йўлимдан қолмадим, Коробов билан ҳамиша бир хил муомалада бўлавердим, заводда тез-тез бўлиб, коллектив билан учрашиб, ишчилар билан суҳбатлашиб турдим, шу корхонанинг пўлат эритувчилари Невчас, Соцко, горновой Трофимов ва бошқаларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватладим. Коробовнинг кучли томонларини ҳам биларди-м: у ҳақиқатан ҳам биринчи даражали домначи эди. Одамгарчилик юзасидан олганда, яширмайман, унинг қайсарлиги менинг бир оз ғашимга тегса ҳам, буни писанд қилмаслик даркор эди, чунки у ходим сифатида яхши эди, шунинг ўзи кифоя эди.

1949 йилнинг охирига келиб, Украинада ёқилғи ва электр энергияси бобида жиддий аҳвол рўй бериб қолди. Бошқа кўпгина корхоналар каби Петровский заводи ҳам ёлчитиб таъминланмаётган эди. Планнинг барбод бўлиш хавфи туғилди. Завод директорлари ўз йўллари билан ёрдам олишга уринаётган бир пайтда, биз обкомда вазиятни таҳлил қилиб чиқиб, кўпгина миқдордаги ёқилғининг газ тарқасида ҳавога учаётганини аниқладик. Буни ҳамма биларди. шуни ҳам айтиш керакки, жамланган рақам кишини таажжубга соларди: исрофгарчилик ярим миллион тонна кўмирга тенг эди. Мен директорларни тўпладим; мана чора! Кучларни бирлаштириш, қувурлар учун (уюмлардан, кондициясиз ҳамда пландан ташқари маҳсулотлар ҳисобидан) металл топиб, прокат қилиш ва газ қувурлари ётқизиш лозим эди. Шуни тан олишим керакки. Коробов бу ишга биринчилардан бўлиб бош қўшди, кўп нарсалар қилди, биз бу ишни анча тез амалга оширдик.

Коробовнинг ўжарлиги кейинроқ барибир ўзини кўрсатди. Заводдан ВКП(б) Марказий Комитетига шикоятлар туша бошлади. Уни директорлик лавозимидан бўшатиш тўғрисида масала қўйилди. Гарчи бизнинг ўртамиздаги шахсий муносабатлар, такрорлайманки, унчалик яхши бўлмаса ҳам, мен бунга қатъий қарши чиқдим.

— Ўртоқ Коробов бутунлай яроқсизга чиқкан раҳбар деб ҳисобламайман, —дедим мен обком бюросида. —Тўғри. унинг хатолари, кеккайиб кетишлари ҳам бўлди, бу ҳақда унга тўғри кўрсатдик ҳам, лекин шунга аминманки, бу одам учун ҳали ҳам ён босса бўлади.

Иш ҳайфсан билан тамом бўлди. Бу катта фойда берди. Илья Иванович шундан кейин ҳам кўп йиллар заводга бошчилик қилди, бутун мамлакат бўйича домна ишлаб чиқаришини ривожлантириш соҳасида кўп ишлар қилди, техника фанлари доктори. Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди. Бундан чиқдики. мен унинг ёнини олиб хато қилмаган эканман.

Худди шундай воқеа Запорожьеда ҳам бўлган эди. Днепростройга машҳур гидроқурувчи Фёдор Георгиевич Логинов бошчилик қиларди. Айтиш мумкинки, у нодир талант эгаси эди. У ўн бир ёшида ишчилар сафига қўшилган. колчакчилар, денникинчиларга қарши жанг қилишга тўғри келган. ҳали болалик чоғидаёқ полк командирининг ёрдамчиси даражасига кўтарилган одам эди. Сўнг у институтни тамомлаб. биринчи Днепростройда десятник, Боксанда ва Ўрта Волгадаги ГЭСларда прораб, Чирчиқдаги қурилишда бошлиқ бўлиб ишлади. У зўр одам эди, барвастадан келган қатъиятли ва ўжар эди. У ҳар нарсани марказда эшитиб, шаънига доғ туширишни истамасди.

Бундай кўламдаги қурилишда якка бошчилик принципи фойдали, ҳатто шундай бўлиши муқаррар ҳам, лекин «якка бошчилик» танқидини қабул қилолмай қолдими, бундан ёмони йўқ. Логинов одамларга кўпол муомалада бўлар, дағал гапирар, ўзини жиловлай олмай қоларди. бу камчилигини сезганидан ҳатто қўлида тасбеҳ ҳам олиб юрарди. «Доналарни бир санаб чиқсам,—деганди у,—бўлиш, ўзимга келаман-коламан». У билан биз бир неча бор жиддий тўқнашганлик. Обкомнинг ёш секретари бўлган менга у билан ишлаш осон эмасди.

Днепрогэснинг биринчи агрегатлари ишлай бошлаган бўлса ҳам, бошқаларининг ишга туширилиши судралиб кетаётган эди. Иш шунга бориб етдики, қурилишдаги камчиликлар тўғрисида УКП(б) Марказий Комитетининг қарори чиқди. Матбуотдаги ва оғзаки мақтовларга кўникиб қолган Логинов бу қарордан қатъий норози эканлигини айтиб. Марказий Комитетга телеграмма юборибди. 1947 йилнинг биринчи ноябрида Днепрострой коллективининг партия йиғилиши бўлиб, унда менга доклад қилишни топширишди.

Шунда ҳам мен камчиликлар тўғрисида батафсил гапириб. бу хатолар асло тўқиб чиқарилмаганини, балки чиндан ҳам йўл қўйилганлигига одамларда ишонч ҳосил қилиб, айтиш мумкинки, бу одамни чўктириб юборишга эмас, балки унга бу оғир аҳволдан мардона чиқиш йўлини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Область партия комитети Логиновни ходим сифатида қадрлайди, бу каттакон қурилишни фақат унинг ўзи бошқараётти деб атайлаб таъкидладим ва Фёдор Георгиевич танқиддан хулосалар чиқариб. станциянинг тезроқ тўла қувват билан ишга туширилишини таъминлайди, деб ишонч билдирдим. Мен чиндан ҳам бу одамнинг кучли томонларини — кўп нарсани билишини. бой тажрибасини, иродалилик фазилатларини. ишга берилганлигини биларди ва қадрлардим.

— Логиновнинг лавозимига, партия аъзоси эканлигига; иш стажига ҳар қанча ҳурмат билан қараган, унинг раҳбар сифатидаги обрў-эътиборини сўзсиз қўллаб-қувватлаш, унга ёрдам беришга тайёр бўлган тақдиримизда ҳам, —дедим мен хулоса қилиб, — унинг камчиликларини аёвсиз равишда, қурилиш бошлиғи бўлган Логиновга ҳам, коммунист Логиновга ҳам ён бермасдан, охиригача танқид қилишимиз керак. деб ҳисоблайман. Масалани шу тақлида қўйганимизда биз қурилишга ҳам. Логиновга ҳам ёрдам беришимиз мумкин. Масалани бошқача тарзда қўйиш бизга хос эмас. биз уни қатъиян инкор этмоғимиз керак!

Агар одам ишбилармон бўлса. ишга берилган бўлса, агар умум манфаатини деб иш тутса, бундай одамни қўллаб-қувватлаш керак. Бунда мақсад битта: ходимни чўктириб юбориш эмас, балки хатосини тузатиш, тўғри йўлга солиш. тарбиялаш керак. Энг муҳими —иш манфаати йўлида унинг яхши томонларини оча билиш ва фойдалана билиш керак.

Танқид ва ўз-ўзини танқид шу қадар муҳим масалаки. мен бу ҳақда махсус тўхталиб ўтишни фойдадан ҳоли бўлмаса керак деб ўйлайман. Янги Конституциямизнинг 49-моддасида СССРнинг ҳар бир граждани давлат органларига ва жамоат ташкилотларига уларнинг фаолиятини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритиш. ишдаги камчиликларни танқид қилиш ҳуқуқига эга эканликлари бежиз ёзиб қўйилгани йўқ. Яна шу нарса таъкидланганки, танқид учун қуввин қилиш ман этилади.

Асосий Қонуннинг бу моддасини принципиал жиҳатдан муҳим деб ҳисоблайман. Айтиш мумкинки, агар биз бугун юксак, тағи ҳам юксакроқ даражалаги уюшқоқликни вужудга келтиришга уринаётган эканмиз, барча даражадаги интизомни —меҳнат интизомини, технология интизомини, план интизомини мустаҳкамлашни истар эканмиз, биз ишнинг аҳволига манфаатдорлик билан, диққат-эътибор билан, танқидий кўз билан ёндашмоғимиз лозим. Бу қонун ана шулар учун зарур ижтимоий-сиёсий муҳит яратади. Ўз навбатида бу муҳит самаралироқ, унумлироқ, яхшироқ ишлаш учун интилишни вужудга келтирган, прогулчилар ва дангасаларга, бепарволик ва хўжасизликнинг, кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишларнинг ҳар қандай фактига муросасизлик вазиятини туғдирган бўлур эди.

Раҳбарни танқиддан қўриқлаш уни нобуд қилиш демакдир. Кимки танқидни тан олаолмай қолдими, уни иш бермайди деяверинг, Агар ҳозир биз ҳикоя қилаётган йиллардаги пленумлар. конференциялар. активларнинг стенограммаларини варақлайдиган бўлсак, улар орасида танқид бўлмаган бирор саҳифани учратмайсиз. Бизда танқид ишчан, ишонарли, конструктив тарзда бўларди. Сўзимнинг тасдиғи учун бир неча мисол келтирмоқчиман.

1947 йилда УКП(б) Запорожье обкомининг XVI пленумида юз берган кискагина диалогни олиб қаранг. Музокараларда Киров номли завод партия ташкилотининг секретари А. М. Жалило сўзга чиқиб, ўз дардини тўкиб-сола бошлаган эдики, аралашувимга тўғри келди.

«Ўртоқ Жалило: Бахтга қарши, бизнинг заводимизда ҳаддан ташқари кўп танқид қиладиган бошқа ўртоқлар ҳам бор. Масалан, мана, механика бўлимининг бошлиғи ўртоқ Зайцев...

Ўртоқ Брежнев: Сиз-чи, танқидни бўғаяпсизми?

Ўртоқ Жалило: Йўқ, бироқ улар ҳам ўз ишларига танқидий ёндашишлари керак.

Ўртоқ Брежнев: Демак, сиз улар фақат ўзларини танқид қилишларини хоҳлайсиз, сизларга келганда эса мумкин эмас экан-да **(залда жонланиш).**

Ўртоқ Жалило: Танқид ва ўз-ўзини танқид, шубҳасиз яхши нарса, лекин раҳбарларнинг обрў-эътиборига путур етказиш учун танқид қилиш ярамайди-да.

Ўртоқ Брежнев: Барибир озгина ноаниқ, бир оз мужмалроқ.

Ўртоқ Жалило: Демоқчиманки, айрим ўртоқлар партиявий интизомни ва партиявий этикани етарли даражада тушунишмайди. Ғийбат билан шуғулланганлар кўра ўзлари ишлаганлари маъқул.

Ўртоқ Брежнев: Хўш, агар ғийбатчилар пайдо бўлган бўлса, бу ҳақда пленумда гапириш кераки? Ғийбатчилар ҳамма ерда бор. сизларнинг заводларингизда эса улар албатта топилади **(залда кулги).**

Ўртоқ Жалило: Ҳа. бу нарса заводимиздаги жуда ҳам нозик жойлардан бири саналади.

Ўртоқ Брежнев: Менинг тушунишимча, сизларнинг заводингиздаги энг нозик нарса танқид бўлса керак. Ундан қўрқиш ярамайди. Чунки унинг замирида инсонга нисбатан ҳурмат ҳам мужассамлашгандир!».

Обкомнинг танқидни бўғувчиларга муносабати аниқ-равшан бўлиб. бу нарса дангал, юз-хотир қилинмасдан ифодаланарди. Ўша стенограммаларни ўқирканман иккинчи томондан, шу нарса кўзга ташланди: одамни миндардан туриб тез-тез танқид қилишга ботинарканман. шу ўринда уни ходим сифатида қадрлашимни ҳам кўшиб қўйишни таъкидлардим. Бу ҳақда баъзан айтмасдан бўлмасди ҳам.

Ленин райони Днепропетровскдаги йирик саноат районларидан бўлиб, у ерда райкомнинг биринчи секретари давомида Георгий Петрович Куцов ишларди. Петровкадан чиққ

ТИКЛАНИШ

(Боши иккинчи ва учинчи бетларда).

материаллар билан ишловчи аъзолари нормаларини ҳамиша ошириб бажаришаётганини эшитиб, уларнинг ҳузурига йўл олдим. Ишчиларни домна тубида учратдим. Бирга ўтириб чекишдик, суҳбатлашдик.

— Биз турли хилдаги печларни ишлаймиз, деб батафсил гап бошлади Карпачев.— Улар орасида мартенлари ҳам, исталганлари ҳам, қуйирадиганлари ҳам, пиширилганлари ҳам бор. Саноатимизда улар жуда кўп, деярли ҳаммасининг ичини ўтга чидамли қилиб чиқиш керак. Бу ҳали энг оддийлари.

— Шундай қилиб, сизлар нечта домнани қўлдан чиқардинглар, Иван Фёдорович?

У бармоқ букишга тутинди. Кушвада, Нижний Тагилда, Кузнецкда, Запорожьеда шунча бор экан... Кеш келганда қайд этиш керакки, бундай суҳбатлар хотиржам, узуқ-юлуқсиз бўлиши керак. Менинг ортиқча вақтим йўқ, қани тезроқ, лўндасига ўтайлик қабилида бўлмаслиги керак! Агар ишчилар ёки колхозчилар билан одатдагидек умумий тил топишга муваффақ бўлинган экан, афтидан, мен уларнинг ишларига шунчаки юзаки қизиқмаётганимни улар кўриб турганликларидан бўлса керак. Мен бундай учрашувлардан ҳақиқатан ҳам баҳра олардим.

Карпачев меҳнатни ташкил қилиш тўғрисида, уларда қабул қилинган прогрессив — мукофот системаси тўғрисида, бригаданинг иш ҳақи (суммалар баҳоларнинг эски миқёсида айтиларди, албатта) тўғрисида ҳам ана шундай батафсил гапириб берди.

— Мана, кеча, — деди у, — сменада бир юз эллик тўрт сўм ишладим. Норма — олтмиш тўққиз гишт, мен эса икки юз тўртта қўйдим.

— Уч баравар оширибсиз-да!

— Қариб шундай, — бош иргади бригадир. — Бундан ҳам кўп қўйиш мумкин. Тиҳоновимиз уч юз эллик процентга етказди.

— Сифат масаласи қандай? — савол бердим мен. — Ахир, сизлар лешчадь теряпсизлар-ку. Унга талаб жуда ҳам қаттиқ бўлиши керак.

Ишчилар бир-бирларига қараб қўйишди: ҳамма нарсадан хабардор одам билан суҳбат қилишаётганини тушуниши. Лешчадь териш ҳамиша фақат оғир бўлиб қолмасдан, балки айни пайтда нозик иш ҳам ҳисобланарди. Ғиштлар оралиғи ярим миллиметрдан ошмаслиги лозим. Ўтга чидамли гишт теруvчининг ҳар биридан кейин назоратчи келиб, ўша чоклариниг кенглигини махсус шчуп билан текшириб юради. Чунки эриган металл худди ана шу жойларга тўпланади.

— Қоришманинг дозасини аниқ олиш керак, — деди Карпачев. — ҳамма сир мана шунда. Бизда суюқ қоришма ишлатилади, уни кельма билан қўйиб бўлмайди. Ҳар бир гишт уч томонидан намланиши керак. Кўпчилик одамлар уни уч марта ботириб олади. Биз эса бу ишни битта ҳаракат биланоқ бажаришга ўрганиб олдик.

Моҳир одамларнинг эришган натижалари моҳиятини чуқур ўрганиб олгандан кейин уларнинг «сирлари» сир бўлиб қолмаслиги учун ҳамма нарсани қилишга интилишинг таблий. Кўп ўтмай, менинг қистовим билан Союзтеплострой инженерлари И. Ф. Карпачевга ўз меҳнат усулларини қоғозга туширишга ёрдам бердилар ва бу Запорожье областида ҳам, Днепропетровск областида ҳам кўпгина бригадаларнинг мулки бўлиб қолди.

Бундай учрашувлар жуда кўп бўлди. Завод ёки қурилишга чиқиб қолсам, у ерда кўп қолиб кетардим, одамлар билан айтиш мумкинки, қаймоқлашиб қолардим. «Гигант» шахтасига бориб, кончилар либосини кийиб, ер ости йўлларида кўп юрганим, қизиқиб кетиб, шахтёрлар билан беш ёки олти соатча қолиб кетганим эсимда. Шундан кейин кишиларнинг кайфиятини, эҳтиёжларини, режаларини тушуниб олиш ҳам осон.

Областимиздаги энг йирик Петровский номли заводда, машҳур Петровкада, айниқса, кўп бўлиб турардим. Шундай бўлардики, завод бошқармасида обкомнинг биринчи секретарини кутишар, кутиб олишга тайёргарлик кўришарди. Лекин мен таклиф қилинган томонга, қарабсизки, йўлаклари ҳам супуриб қўйилган жойга қараб юрмасдан, бошқа ёққа, айтиш мумкинки, тартиб яччалик яхши бўлмаган томонга, печлар орқасига қараб бурилиб кетардим. Бунда металлург тажрибаси кўмакка келарди: ёшлигимда ана шундай заводда қарийб барча пиллапояларни — кочегарликдан инженерликкача ўзим ҳам босиб ўтганман.

Бу нарса ишчилар билан мулоқатда ҳам ёрдам берарди. Гоҳ у бригада, гоҳ бу бригада билан суҳбатлашаман: горновойлар, пўлат эритувчилар, прокатчилар билан учрашаман, яна шулар билан завод ошхонасида бирга овқатланаман. Расмий вазиятда нималар дейилмасин, бу ерда гап батамом ошкора бўлади. Сўнгра ярим соат, бир соат бирорта кабинетга кириб олиб, одатда тезисларни тайёрлаб қўярдим-да, кечқурунги партия активида фақат умумий вазифалар қўйишгачна тайёр бўлиб қолмасдан, бу вазифаларни мазкур корхонанинг конкрет вазияти билан боғлардим:

— Ўртоқлар, дилимиздагини ошкора айтайлик. Мен кўнглимдагининг ҳаммасини гапирдим, келинглар, энди сизлар ҳам ишчиларга хос ростгўйлик билан гапиринглар. Ишни қандай қилиб ўнгласак бўлади? Нималар халақит беряпти? Резервларимиз қани?

Бундай ҳолларда танқид қуруқ сўздан иборат бўлиб қолмай, балки ашёвий далилларга таянган, бинқобарин, амалий бўларди.

Ўқувчи шундай бир қонуний савол бериши мумкин: бошқаларни-ку тарбиялаш осон, муаллифнинг ўзи танқидни қандай қабул қилардийкин? Ростини айтаман: жуда оғир ботарди, ҳа, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Танқид шоколад эмаски, уни яхши кўра қолсанг. Фақат енгилтак, қуруқ одамгина таъналарни эшитиб, кулиб қўйиши ва шу заҳотиёқ эсдан чиқариб юбориши мумкин. Бир куни шу мавзуни Днепропетровскда область комсомол конференциясида махсус ўртага ташлашимга тўғри келди (1948 йилнинг февралида). Ўшанда орамизда мени биров танқид қилмаса, нонушта қила олмай юраман, деб айтадиган бирорта одам йўқлиги ҳақида гап бўлганди. Лекин танқид чинакам большевикларда сабот-матонат туғдиради. Норозиликдан ҳижоат, яхшироқ ишлаш учун интилиш яратади.

Ҳаётимда ҳар хил танбеҳлар эшитишимга тўғри келган. Баъзан жуда оғир туюлса ҳам, уларнинг рационал маъзини чақишга интилардим, жиддий хулосалар чиқарардим, бу эса оқибатда ҳамиша ўзимга ҳам, умумий ишга ҳам фойда келтирарди. Аммо юқоридан бўлган танқидни ҳамма ҳам умуман бир амаллар тан олади-ю, пастдан бўлган танқидни тан олиш жуда ҳам қийин. Шундай вақтлар ҳам бўладики, серзарда потиқнинг нутқини тинглаб ўтириб, уни ёқтирмаётганингни ўзинг ҳам билмай қоласан: «чаёнга ўхшаб наштар санчишини қара-я!» Лекин қўлимни кўксимга қўйиб шуни айтишим мумкинки, менинг шаънимга тегадиган ана шундай чиқишлардан кейин менга танқид қилган одамга нисбатан муносабатимни бирон марта ҳам ўзгартирганим йўқ. Бундай одамларга муносабатим қандай бўлса, шундайлигича қоларди.

Днепропетровскда Октябрь район партия комитетининг секретари Николай Романович Мироновнинг танқидий нутқларини айниқса, яхши эслаб қолганман. У ўзига хос оригинал, дадил киши бўлиб, университетнинг бешинчи курсидан кўнгиллилар сафида фронтга жўнаган, яхши жанг қилган, оғир ярадор бўлганига қарамай, қувноқ йигитлигича, яхши спортчилигича қолганди. Бизнинг олий ўқув юртларимиз жойлашган улкан районда ишларди, айтиш мумкинки. Студентлар саройини тиклаш фикри ҳам ундан чиққан эди. Шундай қилиб, Мироновнинг конференцияларимизда чиқишлари дадиллиги, ўртага ташланган масалаларнинг ўткирлиги билан ҳам ажралиб турарди. Агар у шаҳар ёки область партия комитетининг ишидаги камчиликлар ҳақида гапирадиган бўлса, устамонлик қилмас, у ёқдан кириб, бу ёқдан чиқадиган иборалар изламас, балки конкрет ходимларнинг номларини, шу жумладан менинг номимни айтаверарди.

Нима ҳам дердим? Бундай нутқларни эшитарканман, уларда қўйилаётган масалаларнинг ҳаммаси ҳам ўринли бўлиб туюлавермасди. Ахир, нотиқлар ўртага ташлаган бу масалаларни менинг ўзим ҳам биринчи қунданоқ қўя бошлаган, уларнинг рўёбга чиқиши учун ҳаракат қила бошлаган эмасмидим. Лекин нотиқлар ана шу масалалар ҳақида яна гапиришаётган экан, демак мен бу масалаларнинг ҳал этилишига ҳали эриша олмаган эканман, деб ўйлардим. Ташқаридан қараганда аниқроқ кўринади. Шу билан бирга, мен Мироновнинг ишни ўнглашни истаётганлигини, иш учун жон куйдираётганини, фақат шуларни кўзлаб танқид қилишини яхши тушунардим. Шунинг учун ҳам у билан бизнинг ўртамиздаги муносабат шунчаки яхши бўлиб қолмасдан, айтишим мумкинки, бу муносабатларимиз Днепропетровскда ҳам, кейинчалик Москвада Николай Романович КПСС Марказий Комитети аппаратига ишга ўтгандан кейин ҳам, у авиация ҳалокатида фожиона ҳалок бўлишига қадар дўстона муносабатлар бўлиб қолди.

Энди 1948 йилда область партия конференциясида қилинган танқидга қандай жавоб берилганини (стенограмма бўйича) келтириб ўтмоқчиман:

«Ўртоқ Брежнев: Мен барча нутқларни диққат билан эшитдим, агар танқид область партия ташкилотимизнинг баъзи ходимларини, баъзи арбобларини маълум даражада хижолат қилди, деб айтсам хато қилмайман. Шуни айтишим керакки, кўп ҳолларда бу танқидни ўз шаънимга қабул қилдим, шунингдек ачиниб ўтирдим, лекин биз бу танқиддан ўзимиз учун хулоса чиқариб олишимиз лозим. Бизда, большевикларда бу норозилик, бу ички ташвиш ўз навбатида ишда ташаббус, куч-ғайрат, танқид остига олинган камчиликларни тезроқ бартараф этиш учун интилиш пайдо қилиши керак. Мен шахсан ўзим учун фақат ана шундай хулоса чиқардим».

Танқидий мулоҳазаларнинг кўплиги ишларнинг ёмонлигидан далолат беради, деб ўйлаш нотўғри. Аксинча, бутунлай бошқача: ошкора, оммавий танқид кўп бўлган жойда иш шунча яхши бўлади. Днепропетровсклик меҳнаткашлар халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантириш тўртинчи беш йиллик планини муваффақиятли якунладилар. Бизнинг областимизда экин майдонлари урушдан олдинги даражадан ошиб кетди. Петровка, Дзержинска ва бошқа кўпгина заводлар ҳам урушдан олдинги ишлаб чиқариш даражасидан ўзиб кетди. Кривой Рог, Никополь шахталари қайта тикланиб, мамлакатимиз Жанубий ва Марказий металлургиясини руда билан таъминлайдиган бўлди. Приднепровьега энг оғир урушлардан бирининг етказган жароҳатлари тузатилган эди.

Айтиш мумкинки, 1950 йилга келиб, биз халқ хўжалигини тиклаш босқичини тугаллидик. Обком биринчи секретарининг унингсиз ҳам камаймаган ишлари қаторига янги, янада қизиқарли ишлар қўшилди. Шевченко номли театр актёрлари менинг хонамда тунги соат иккиларга қадар ўтиришганини эслайман. Улар ўз репертуарларида нима учун классик асарлар йўқлигини тушунтиришди, декорация масаласидаги мушкулликлар, кийим-кечак етишмаслиги ҳақида шикоят қилишди. Буларнинг ҳаммасини чуқур билиб олишга, уларга ёрдам кўрсатишга тўғри келди. 1949 йилда бизда сув спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари ўтказилди, бунда ҳам озмунча ташвиш бўлгани йўқ. Лекин, айтиш мумкинки, бу ташвишлар бизга оғирлик қилмасди, аксинча қувонч бағишларди. Демак, маданиятга, санъатга, спортга қизиқадиган вақтлар ҳам келибди, — бу ҳам тиклашдан далолат. Шундай ҳам бўлдики, бўш вақт бўлди дегунча ўзим ҳам стадионга йўл олардим. Қадимий рақиблар бўлган «Металлург» ва «Сталь» — Запорожье ва Днепропетровск футбол командаларининг учрашувлари алоҳида қизиқиш туғдирарди. Ростини айтсам, у томон учун ҳам, бу томон учун ҳам баб-баравар «қайнардим».

Менинг кабинетим ўз лойиҳалари билан келган архитекторлар, безатиш эскизлари билан келган рассомлар, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг режиссёрлари, олий ўқув юртларининг ректорлари, спорт мастерлари, олимлар, педагоглар, врачлар билан гавжум бўлиб турарди. Қўшимча қилиб яна шуни айтишим керакки, ўша пайтда мен чехословак коммунистларининг буюк раҳбари Клемент Готвальд билан учрашгандим. Биз бир неча соат вақтни ўртоқларча вазиятда ўтказдик. У социалистик Чехословакияни ривожлантириш режалари билан ўртоқлашди, мен халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш ҳақида гапирдим. Прагани озод қилишда қатнашганлигимни эсладим.

Бугунги кунда социалистик мамлакатлардан келган дўстлар билан, ривожланаётган мамлакатлардан келган меҳмонлар билан, капиталистик давлатларнинг вакиллари билан бўладиган бундай учрашувлар область партия комитетлари раҳбарлари иш практикасига тобора кенгроқ кириб бормоқда. Уларнинг ўзлари ҳам тез-тез чет элларга бориб туришади. Бу эса уларнинг ишини партиямиз ва мамлакатимиз учун янада муҳимроқ қилиб қўймоқда. Мен ўз шахсий тажрибамдан обкомнинг биринчи секретарига кўп нарса боғлиқ эканлигига, айтиш мумкинки, партиямизда у жуда ҳам муҳим, оғир ва масъулиятли лавозим эканлигига амин бўлдим.

* * *

Босиб ўтган йўлимга назар ташлаб, Приднепровьега бағишланган йилларимни эслаб, шуни айтишим мумкинки, қудратли корхоналар ва гуллаб-яшнаётган экинзорлар макони бўлган ажойиб ўлка билан ўшанда иккинчи бор биродарлашиб қолдим. Бу саҳий заминнинг ишчилари, колхозчилари, қурувчилари, инженерлари, агрономлари, олимлари билан бирга ишлаш насиб қилганлиги жуда ҳам қувончлидир.

«Бир қун туз ичган жойга—қирқ қун салом бер» деган нақл бор. Бугунги кунда у эҳтимол, эскиргандир. Юз минглаб, миллионлаб совет ватанпарварлари партия даъвати билан иссиқ жойларини ташлаб, мамлакатни гуллатиб-яшнатишда, коммунизм қурилишида актив иштирок этиш учун отланмоқдалар. Қийинчиликлар ва катта ғалабалар нашъасини татиб кўриш насиб қилган, меҳнат қилиш, айтиш мумкинки, ўз қўл кучларини ишлатишга тўғри келган жойлар улар учун жонажон ва қадрдон ерларга айланмоқда.

Худди шундай мен ҳам ўзимга қадрдон ўша жойларга бориш насиб қилиб қолгудек бўлса, Днепр соҳилларининг гўзаллигига суқланиб қарайман, шу гўзалликни тиклашда мен ҳам қатнашганман, мана бу Маданият саройи, манаби заводлар, электр станциялари, шахталар, манаби шаҳар кўчалари, совхоз қишлоқларида ҳам мен қилган меҳнатнинг, ўй-фикрларимнинг, ташвишларимнинг, бедорликда ўтказган тунларимнинг улуши бор деб эслаб қўяман...

халқаро воқеалар

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

«ФРОЙНДШАФТ — ДЎСТЛИК»

Ғарбий Германия меҳнаткашларининг «Унзере цайт» газетаси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежневнинг Германия Федератив Республикасига қиладиган навбатдаги визитига бағишлаб 28 апрелда махсус илова чиқарди.

Илованинг биринчи саҳифасида ўртоқ Л. И. Брежневнинг катта сурати, ГФР ва СССР давлат байроқлари, немис ва рус тилларида «Фройндшафт — дўстлик» деган сўзлар босиб чиқарилган.

Оммавий тиражда чиқарилган нашрда Л. И. Брежневнинг тинчлик йўлида, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ва кескинликни юмшатиш йўлида ҳормай толмай олиб бораётган жуда буюк фаолияти тўғрисидаги кўпдан-кўп фотосуратлар, мақолалар, савол-жавоблар ва бошқа материаллар бор.

Германия Коммунистик партияси Рансининг ўринбосари Герман Готье илова саҳифаларида бундай деб ёзади: кескинлик юмшатилишидаги тараққиёт даставвал Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар кучқудрати ортиб бораётганлиги ва улар изчил, тинчликсеварлик сиёсатини ўтказаётганлиги, шунингдек тинчлик учун жаҳон ҳаракати кураши тобора кучайиб бораётганлиги натижасидир. «Л. И. Брежневнинг шахсан кўшган ҳиссаси туфайли, — деб таъкидлайди у, — тинчлик, кескинликни юмшатиш, ҳамкорлик ва қуролсизланиш йўлида унинг ҳормай-толмай кўрсатаётган фаолияти туфайли бу сиёсатни амалга ошириш мумкин бўлди».

«Унзере цайт» касаба союзлари, ижодий интеллигенция, ГФР ёшлари намояндаларининг мақолаларини ҳам босиб чиқарганки, улар Л. И. Брежневнинг навбатдаги визити муносабати билан ўз умидларини изҳор этадилар.

«Икки визит ўртасида» деб сарлавҳа қўйилган саҳифалардан бирида Л. И. Брежневнинг ГФР канцлери Г. Шмидт ва Германия Коммунистик партиясининг раиси Г. Мис билан бўлган учрашувларини акс эттирувчи фотосуратлар шунингдек СССР билан ГФР ўртасидаги турли алоқалар тўғрисида ҳикоя қиладиган фотосуратлар эълон қилинган. 1973 йил май ойидан 1978 йил май ойигача ўтган беш йил мобайнида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги алоқалар айниқса ривожланди.

Газета Л. И. Брежневнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги очеркни, СССРнинг кескинликни юмшатиш ва қуролсизланишга қаратилган ташқи сиёсий акциялари ва таклифлари хронологиясини босиб чиқарган.

Илованинг кўп қисми экономика ва маданият соҳасида Совет — Ғарбий Германия алоқаларнинг ривожланиши тўғрисидаги материалга бағишланган. СССРдаги катта қурилишлар учун чиқариладиган «Магирус-дойц» маркали юк машинаси 10 мингинчи сонининг сўрати, шунингдек Гамбург портидаги совет «Лада» автомобиль машиналари туркумининг сурати, мамлакатимизга катта диаметрдаги қувурларни етказиб берувчи «Маннесман» заводларининг ишчилари билан суҳбатлар, ҳар иккала мамлакат театр коллективлари ва бадиий ансамблларини айирбошлаш тўғрисидаги ахборотлар — буларнинг ҳаммаси ўтган йиллар мобайнида иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар манзарасини кўрсатиб беради.

А. ГРИГОРЬЕВ.

КОСМОС ҚАҲРАМОНЛАРИГА — ЧЕХОСЛОВАКИЯ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Прага градида жаҳонда биринчи халқаро космик экипаж аъзоларига Чехословакиянинг олий мукофотларини тантанали вазиятда топшириш маросими бўлди. «Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида учишни муваффақиятли амалга оширганликлари ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун совет космонавтлари Ю. Романенко, Г. Гречко, А. Губарев ва Чехословакиянинг биринчи космонавти В. Ремек ҳ.ССР Қаҳрамони Олтин юлдузларини олдилар.

Мукофотларни космонавтларга ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак топширди. У тантанали маросимда нутқ сўзлаб, бундай деди: бугун Чехословакияда катта байрам — Чехословакиянинг биринчи космонавти Ватанига қайтиб келди, биз атоқли совет космос қаҳрамонларини ўз диёримизда табриклаймиз. Космосни ўзлаштиришдаги буюк муваффақиятлар учун, чехословак космонавтига берилган ўртоқларча дўстона ёрдам учун, у билан қилинган ҳамкорлик учун қаҳрамонларга мамлакатимизнинг юксак мукофотларини топшираётганлигимдан хурсандман.

Ўртоқ Л. И. Брежнев сизларга Совет Иттифоқининг юксак мукофотларини топшира туриб, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлиги планетамиз доирасидан коинот бўшлиқларига чиқди деганида буни жуда аниқ ифодалади, деб ўйлайман. Халқаро экипажнинг космик парвози, бу аввало КПСС билан Совет давлати интернационал сиёсатининг, социалистик мамлакатлар дўстлиги ва қардошлигининг ифодасидир.

Чехословакиянинг юксак мукофотларини топшира туриб, сизларга янги муваффақиятлар тилайман, совет фани ва техникасининг космосни ўзлаштиришда янада буюк ютуқларга эришувини тилайман.

Ю. Романенко «Салют-6» — «Союз» космик илмий-тадқиқот комплексидаги учиш катнашчиларининг ишига берилган юксак баҳо учун совет космонавтлари номидан ЧКП Марказий Комитетига, республика ҳукуматига чуқур миннатдорчилик билдирди.

Мукофотларни топшириш вақтида ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзолари, ЧКП Марказий Комитетининг секретарлари, Чехословакиянинг бошқа раҳбарлари, шунингдек СССРнинг ЧССРдаги элчиси В. В. Мацкевич ва ЧССРга келган совет космонавтларини тайёрлаш марказининг раҳбари, авиация генерал-лейтенанти В. А. Шаталов хозир бўлдилар.

Космонавтлар Чехословакия Фанлар академиясининг олимлари билан учрашдилар. Академия президенти Я. Кожешник биринчи халқаро космик экипажни табриклаб, чехословак халқининг вакилига кўрсатган ёрдам ва ишонч учун Советлар мамлакатига, совет фанига астойдил миннатдорчилик изҳор қилди. У космонавтларга, шунингдек В. А. Шаталовга фанни ривожлантириш ҳамда инсоният олдидаги хизматлари учун Чехословакия Фанлар академиясининг фахрий олтин медалларини топширди.

Космос қаҳрамонлари Староместа ратушасида бўлдилар, уларни бу ерда ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП шаҳар комитетининг биринчи секретари А. Капеек саминий табриклади. Прага примматори (ҳокими) З. Зуска космонавтларга улар Прагаининг фахрий граждани қилиб сайланганликлари тўғрисидаги ёрлиқларни топширди.

Староместа майдонида минг-минглаб кишилар космос қаҳрамонларини табриклаб турдилар. Космонавтлар прагаликлар билан суҳбатлашдилар, дастхат ёзиб бердилар, суратга тушдилар.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ



Суратда: (чапда) спорт мастери Ринат Хайрутдинов ҳужумда.

Р. Рисқиев фотоси. (ЎзТАГ).

БОКС:

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

Байрам арафасида мухлислар чарм қўлқоп усталари ўртасида ўтказилган ажойиб учрашувининг шоҳиди бўлдилар. Республика пойтахтининг «Меҳнат резервлари» спорт комплексида Сурия Араб Республикаси терма командаси билан ўзбекистонлик боксчилар ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Бейрамона безатилган спорт комплексининг катта залида ўрнатилган ринг биринчи бўлиб 22 ёшли тенгдошлар — суриялик Файз Сруджи билан тошкентлик Ўсган Эргашевлар чиқишди.

Тошкентлик армиячи ҳужумкорликка зўр берди. Уч раунд мобайнида Файзнинг эркин ҳаракат қилишига йўл қўймади. Оқибатда судья унинг қўлини кўтарди. Кейинги учрашувда эса 51 килограмм вазнли боксчи, Сурия чемпиони Усам Абу-Рише республикамизнинг таниқли чарм қўлқоп устаси Г. Муллаев билан куч синашди. Бу баҳсда учрашув бошиданоқ мехмоннинг устунлиги сезилиб турди. Тошкентлик армиячининг ҳужумларига усталик билан жавоб зарба бериш ўрнига ҳимояни ўрнига қўйган суриялик боксчига судьялар ғалабани лойиқ кўришди.

Мақсуд Абдреймов билан Сурия биринчилигининг бронза медали совриндори Муҳаммад Дахбур ҳамда ўзбекистонлик Ринат Хайрутдинов билан суриялик чемпион Рифат Дахир ўртасидаги баҳсларда ҳам меҳмонлар зарбериш ўрнига ҳимояланишни маҳорат билан бажаришди. Лекин бу учрашувларда ғалаба ўзбекистонлик боксчилар фойдасига ёзилди. Шундан кейин, енгил вазнли боксчи, халқаро классли спорт мастери Дмитрий Грубов рингга чиқди. У суриялик чемпион Муҳаммад Ал-Халаби билан куч синашди. Меҳмон тажрибали, кўлгина учрашувларда куч синашиб зарб бериш ҳадисини олган бўлишига қарамай, Тошкент рингида Дмитрийга имконияти бой берди.

Қолган учрашувлар ҳам шиддаткор ва ҳужумкор руҳда ўтди. Ўзбекистонлик боксчилар маҳорат кўрсатдилар. Жумладан Аркадий Шевцов Мамун Ал-Раидан, Илгор Эгамбердиев Иман Идрисдан, Александр Петров Самир Шокирдан, Баҳри Ниёзов Имаддин Лахамдан, Владимир Шин эса Резқалъа Айндан устун келдилар. Сўнгги учрашув оғир вазнли Вячеслав Алексеев билан Насан Ажуб ўртасида бўлди. Бу баҳс Вячеславнинг кучли нокаути билан ниҳояланди. Шундай қилиб, ўзбекистонлик боксчилар 10:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Бугун сурилик боксчилар билан фарғоналик чарм қўлқоп усталари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилади.

К. ТИМОХИН.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/IV да **Золушка** (12.00), **Чио-Чио-Сан** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/IV да **Келинлар кўзголони** (12.00), **Ғариблар** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/V да **Олифта** (12.00, 19.30), **Катта концерт** (16.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/IV да **Ишқ қурбонлари** (12.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (12, 16, 19.30).

Кино

Ҳаётга ташналик — «МОСКВА» (11, 14, 17, 20.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 15, 18, 20.45), «ЧАЙКА» (11, 14, 16.45, 18.30, 20.45), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Транссибирь экспресси — «ТИНЧЛИК» (12.30, 15.30, 18.30, 21.00), ҲАМЗА номли (жуфт соатларда).

Уч икки стул — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11, 13, 14.30, 16, 17.30, 19.00, 21.00).

Запас аэродром — «МИР» (тоқ соатларда).

Етим ака — «НУКУС» (тоқ соатларда).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

2 МАЙ СОАТ 17.00 ДА

СССР биринчилиги учун «АРАРАТ» (Ереван) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

Футбол

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

1 Май соат 14.00 да

Катта байрам концерти

ҚАТНАШАДИЛАР:

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати ҲАЛИМА НОСИРОВА

СССР халқ артисти СААДАТ ҚОБУЛОВА

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати ГАЛИЯ ИЗМАЙЛОВА

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Ж. НИЗОМХУЖАЕВ, Э. ЯЛДОШЕВ, М. ДАВИДОВ, К. ЮСУПОВА, Ҳ. КОМИЛОВА;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. ҲИДОЯТОВА.

Солистлар: А. БОЗОРОВ, Т. ҲУСАНОВ, П. МУСТАФОЕВ, М. УЗОҚОВ, М. АҲМЕДОВА, Д. НАЖИМОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ўзбекистон ССР халқ артисти Ж. НИЗОМХУЖАЕВ олиб боради.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

●

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА СИВОРОТКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

қўйўтал вакцинаси лабораторияси мудири вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 93-уй.

●

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

(К. Маркс кўчаси, 103-уй, 1-зал)

12 ва 16 май соат 16.00 да

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-53, 32-55-04; масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси ва пропаганда — 32-55-70; халқаро ҳаёт — 32-54-18; саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-60, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-78-04, 32-53-15, 32-53-70; маданият ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-45-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; идораларо — 32-57-22; коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-74-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 3-19-72; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 5-35; Хоразм — 3-1-24; Бухоро — 4-31-42; Қашқадарё — 38-42; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 3-1-66; ҚҚАССР — 2-42-62. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 06809. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 99.